

Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта маҳсус таълим
вазирлиги

Гулистон Давлат Университети

“Миллий ғоя ва фалсафа” кафедраси

5111600 – «Миллий ғоя, маънавият асослари ва хуқуқ
таълими» йўналиши талабаси

Абдималиков Нуралининг

**«ЖАМИЯТИМИЗНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ВА СИЁСИЙ ОНГ»**

мавзусида ёзган

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Химоя учун қабул қилди
“Миллий ғоя ва фалсафа”
кафедраси мудири: ф.ф.н
Р.Махмудов_____
«____» _____ 2015 й.

Илмий раҳбар “Миллий ғоя ва
фалсафа” кафедраси
ўқитувчиси
Ж.Усманов_____
«____» _____ 2015 й.

Р Е Ж А

Кириш.....

**I - БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ
АСОСЛАРИ.....**

- 1.1 Ҳуқуқий демократия тушунчаси мазмун ва моҳияти.....
1.2 Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларини яратилиши.....

**II - И.А.КАРИМОВ АСРЛАРИДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
АСОСЛАРИ.....**

- 2.1 Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари концепцияси ҳамда инсон омили ва мезонлари.....
2.2 И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш муаммоларининг акс эттирилиши.....

**III - МАҲАЛЛА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИННИНГ ДАСТЛАБКИ
БЎҒИНИ СИФАТИДА.....**

- 3.1. Фуқаролик ўзини-ўзи бошқариш органларининг демократик тамойиллари.....
3.2. Маҳалла - ўзини ўзи бошқарув тизимиning муҳим ижтимоий органи.....

Хуноса.....

Фойдаланилган адабиётлар.....

Илова.....

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарбилиги. Ҳаммамизга маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг кабул килинишида унинг муқаддима кисмидаёқ (приамбуласида) мамлакатимизда хукукий демократик давлат, инсонпарвар давлат барпо этиш, фуқаролик жамияти куриш, бу йулда халкаро хукук нормаларига амал килиш назарда тутилган ва Конституция даражасида мустаҳкамланган.

Юртимизда амалга оширилаётган барча, шу жумладан хукукий ислоҳотларнинг ҳам бош мақсади инсонпарвар демократик давлат барпо этишга каратилган. Хусусан мазкур ислоҳотларнинг туб негизида инсонларнинг ҳаётий манфаатлари, ижтимоий эҳтиёжларини қондиришнинг усул ва воситаларни топиш, бир сўз билан айтганда, том маънодаги ҳақиқий фуқаролик жамиятини барпо этиш ётади.

Биз мустақиликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакатимиз келажагини, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда, мулк ва мулкий муносабатлар ҳақидаги принципиал масалаларни ҳал қилишда иқтисодиётимизни ва жамиятимиз ҳаётини модернизациялашни устувор вазифалардан бири қилиб қўйганмиз. Ўтган 20 йил ичida мамлакатимизда бр қатор ислоҳотлар ўтказилиб, маълум мэрраларга эришдик. Буларнинг барчаси давлатимиз раҳбари томонидан сўзланган нутқ ва маъruzаларида акс эттирилмоқда. Демократия — (қад. юн. δημοκρατία — „халқ ҳокимияти“) — барча инсонлар тенглик билан колектив қарорга келиш имконига ега сиёсий тузум. Демократияда фуқаролар еркинлиги ва тенглиги қонунларда мустаҳкамланган, халқ ҳокимиятчилигининг восита ва шакллари амалда орнатилган ва юзага чиқарилган боғлади. Демократия давлат билан инсон муносабатларини белгилайди. Демократиянинг асосий талаблари копчилик ҳокимияти, фуқаролар тенг хукуқлиги, улар хукуқ ва еркинликлари ҳимояланганлиги, конституция ва қонунларнинг устуворлиги, ҳокимиятнинг болиниши, давлат

бошлиги ва ваколатли органларнинг сайлаб қўйилишидир. Демократиянинг бевосита демократия (асосий қарорлар йиғилишларда бевосита барча фуқаролар томонидан ёки референдумлар йўли билан қабул қилинади) ва вакиллик демократияси (қарорлар сайлаб қўйиладиган органлар томонидан қабул қилинади) шакллари бор.

Кишилик жамияти пайдо бўлганданоқ, демократиянинг куртаклари бореди ва у ҳозир енг тарақкий етган мамлакатларда ҳам ўзининг сўнгги чўққисига еришганича йўқ. Давлат билан бирга вужудга келган демократия инсоният тарихи давомида турли миллий-маданий шарт-шароитларга мослаша борган. Ҳар бир давлатда, миллатда ўзига хос қадриятлар, менталитет, анъаналар мавжуддир. Улар жамиятдаги демократик жараёнларга катта таъсир кўрсатади, бинобарин демократик муассасаларни шакллантиришда мазкур омиллар, албатта, ҳисобга олинади.

Юқорида баён этилганлар республикамида мавжуд бўлган мазкур масалаларни ҳал қилишнинг долзарблигини белгилаб беради.

Ишнинг мақсади ва вазифалари. Мазкур тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакатимиз ёшларини, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда, уларга хукукий давлатнинг, фуқаролик жамиятининг мазмун-моҳиятини, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳатларнинг бугунги кундаги ахамиятини янада чукуррок тушунтиришдан, хуқуқий билимларини, хуқуқий саводхонлигини ошириш, хуқуқий маданиятини юксалтиришдан иборат.

Ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти. Ишнинг илмий янгилиги шу бўлдики, мавзууни ёритишда Президент Ислом Каримовнинг “Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” каби сўнгги нутқ ва маъruzalари методологик асос қилиб олинди, уларда юртбошимиз томонидан кўрсатилган натижалар, белгиланган вазифалар ва

илгари суринган ташаббуслар таҳлил қилинди ва шунингдек, бир қатор статистик маълумотлар солиширилди.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, унда келтирилган маълумотлардан “Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти”, “Сиёсатшунослик”, “Ўзбекистон тарихи”, “Иқтисодиёт назарияси” ҳамда махсус курсларда тегишли мавзуларни ўтиш ва ўрганишда, рефератлар, битиув-малакавий ишлар ёзишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, корхона ва ташклотларда, аҳоли орасида ташвиқот-тарғибот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг тузилиши. Битиув-малакавий ишимиз Кириш, адабиётлар таҳлил, танланган объектлар ва тадқиқот методлари, асосий қисмдаги 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Шунингдек, мавзу юзасидан тақдимот тайёрланган.

Адабиётлар таҳлили

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва иқтисодиётни либераллаштириш масалалари бир қатор манба ва адабиётларда ёритилган. Бу адабиётларни шартли равишда 4 та групга бўлиб ўргандик. 1-групга қонун ва қонун ости ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президент Фармонлари, фармойишлари, қарорлари киритилди. 2-групга бевосита Юртбошимизнинг асарлари киритилди. Булар орасида турли йилларда чоп этилган “Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли”, “Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида” , “Мамлакатимизни мдернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”, “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир” ва бошқалар бевосита амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ва олдимиизда турган вазифалар билан боғлиқдир. 3-груп адабиётларга китоблар, дарслик ва қўлланмалар, рисолалар, тўплам, газета ва журнал мақолалари киритилди. Бу борада

Президентимиз асарларини ўрганиш бўйича тузилган ўқув-услубий мажмуалар муҳим ўрин тутади. Улар статистик маълумотларнинг бойлиги билан ажралиб туради. Шунингдек, А.Бекмуродов ва У.Фафуровлар томонидан чоп эттирилган “Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи”, А.Бекмуродов, О.ГШимранова ва Н.Шамшиевалар томонидан тайёрланган “Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари” каби илмий омабоп қўлланмалар таҳлилий маълумотларга бойлиги туфайли муҳим ўрин тутади. 4-гурухга Интернет ресурслари киритилди. Бу ерда ҳам турли йилларда амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар ҳақида узил-кесил маълумот топиш мумкин.

Танланган объектлар ва тадқиқот методлари

Ишимизнинг асосий обьекти сифатида иқтисодий ҳаётни либераллаштириш жараёни олиниб, бу борада ўзбек моделининг аҳамияти, мустақиллик йилларида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар, иқтисодиётимизнинг ҳозирги кундагит ахволи ва олдимизда турган вазифалар таҳлил қилинди. Ишни ёзишда таҳлил, статистик солиштириш, умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

И -БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

1.1. Ҳуқуқий демократия тушунчаси мазмун ва моҳияти.

Хозирги даврнинг бутун мураккаблиги ва зиддиятларига карамай унинг сиёсий соҳасидаги умумий йуналиши - демократия эканлиги шубхасиз. Бу хакда куп гапиришади, куп ёзишади, карорларнинг тугрилигини у билан асослашади, сиёсий фаолиятнинг услублари, воситалари, максадларини, руй берадётган жараёнларни унинг номи билан изохлашади. Янги ташкилот, харакатлар, шу жумладан, миллий харакатлар ҳам демократик либосларга бурканади. Инкиrozдан чикишнинг ягона йули-ижтимоий-сиёсий хаётни демократлаштириш ва жозибали идеал-демократик жамиятдир, деган фикр кайта-кайта такрорланади. Инсоният орзулари, интилишлари, кундалик хаёти ана шу гоялар билан сугорилган. Лекин, айрим манбаларга караганда, жаҳондаги 200 мамлакатдан атиги 40 тасинигина тула конли демократик деб аташ мумкин. Жаҳондаги бирор мамлакатни демократиянинг ёркин намунали тимсоли сифатида курсатиш кийин.

Узбекистон Республикасининг Конститутсияси «Узбекистон — суверен демократик республика» эканлигини эълон қилувчи ва қонуний мустаҳдамловчи муҳим қоидадан бошланади. Бинобарин, давлат ҳалқнинг, ўз фуқароларининг иродасини ифода этади ва фақат суверен давлатгина фуқороларнинг ҳуқуқ ҳамда ман-фаатларини тула ва ҳар томонлама таъминлаши мумкин.

Давлат суверенитети деганда, давлат ҳокимиятининг устуворлиги, унинг мамлакат ичкарисида ҳам, ҳалқаро майдонда ҳам тўла мустақиллиги тушунилади. Суверенитет давлат ҳокимиятининг алоҳида хусусияти бўлиш билан бирга, давлатнинг муҳим белгиси ҳам ҳисобланади. Узбекистонда давлат ҳокимиятини ташкил этишнинг энг муҳим конститутсиявий тамойилларидан бири — давлат суверенитети принципи ҳисобланади. «Давлат суверенитети» ибораси франсузча «юқори ҳокимият», «олий

ҳокимият» деган маънони англатади. Суверен давлат ички ва ташқи сиёсий фаолиятида ўзининг мустақил ва олий давлат ҳокимиятига, яъни қонун чиқарувчи ҳокимиятига эга бўлади.¹

Ўзбекистон Конститутсиасида эълон қилинган «суверен демократик республика» деган иборанинг асосида халқнинг тўла ҳокимлиги принсипи ётади.

Суверенитет, аввало, давлат томонидан унинг ички функсиясини амалга оширишда намоён булади. У айниқса, давлатнинг суверен хукукдарида бевосита кузга ташланади. Жамиятда хуқуқий тартиб урнатиш, мансабдор шахсларга, жамоат бирлашмаларига ва фуқороларга хуқуқлар берилиши ҳамда мажбуриятлар юклатилиши — буларнинг ҳаммаси давлат ҳокимиятининг бошқа ҳокимиятлардан юқори эканлигини билдиради. Фақат давлат ҳокимиятигина нуфузли таъсир ўtkазишга, зарур булганда эса жамият ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир кўrsatiшга қодир. Бу унинг кенг қамровли эканлигини, чиндан ҳам мустақиллигини кўrsатади.

Давлат ҳокимиятининг олийлиги унинг ўша давлатдаги барча хуқуқий муносабатларни тартибга солишида, умумий хуқуқий тартибот ўрнатишида ҳамда давлат органлари, жамоат бирлашмалари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини мустаҳкамлашида намоён булади. Давлатнинг бутун хуқуқида олий давлат органи томонидан чиқарилган конститутсия ва қонунларнинг устуверлиги давлат ҳокимияти олийлигини билдирувчи асосий белгиси сифатида тан олинади.

¹ «Суверенитет» деган ибора давлат-хуқуқий маънода биринчи марта XVI «асрда франсуз олими Ж. Боден томонидан киритилган. Ж. Боден ўзининг «Давлат тўғрисида олти китоб» асарида давлатни «суверен ҳокимият воситасида кўплаб оиласлар ва уларга тегишли нарсалар» устидан адолатли ҳукмронлик қилиш воситаси сифатида тушунишни таклиф этганди. «Суверенитет», «суверен ҳокимият» унинг назариясидаги муҳим тушунчалардир. Унинг фикрича, сунеренитет «давлатнинг доимий ва мутлак ҳокимиятидир». Айни пайтда Ж. Боден назариясининг ўзига хос томони шундаки, одамларнинг бутун жамоаси суверен ҳокимиятнинг энг яқин ва бевосита амалга оширувчиси бўлаолмайди, *bu vazifani ҳамманинг устидан ҳукмрон булган давлатпаноҳ* (ёки олий орган) *bajarish* мумкин. Шу тариқа у халқ суверенитетини кейинги уринга суриб, уни *davlatpanoh* суверенитетига алмаштиради.

Шундай қилиб, давлат ҳокимиятининг олийлиги бу ҳокимиятнинг шундай ҳолатдаки, бунда бошқа ҳеч бир ҳокимият ундан устун бўлмайди ва бўла олмайди. Бироқ ҳокимиятнинг олийлиги унинг чексизлигини билдирамайди. Демократик давлатда у доимо қонун билан чеклаб қуйилади. Давлатнинг суверен ҳокимияти ўзга барча ҳокимиятлардан устун туради. Давлат ҳокимиятининг олийлиги уни ягона сиёсий ҳокимият сифатида расмийлаштиради, бу давлат ҳокимияти билан мувозий тарзда бошлади бирон- бир сиёсий ҳокимиятнинг мавжуд бўлишини истисно этади.

Давлат ҳокимиятининг бирлиги давлатнинг олий ҳокимиятини ташкил қилувчи ягона орган ёки органлар тизими мавжуд бўлишида ифодаланади. Давлат ҳокимияти бирлигининг юридик белгиси давлат ҳокимияти олийлигини ташкил қилувчи органлар тизимининг бевосита давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган ваколатларни қамраб олишини англаради.

Суверен давлат ҳокимиятининг асосий хусусияти унинг мустақиллиги ҳисобланади. Давлат ҳокимиятининг мустақиллиги шу давлатнинг бошқа давлатлар билан тўғридан-тўғри, бевосита муносабатларида ўз ифодасини топади.

Мамлакат ичкарисидаги давлат ҳокимиятининг суверенитети унинг ташқарисидаги мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқ. Давлат суверенитети уни халқаро муносабатларда ҳам мустақил эканлигини билдириб, бунда давлат халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқий субъекти сифатида майдонга чиқади. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати, унинг Конститутсиясида белгилаб кўйилганидек давлатларнинг суверен тенглигига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади. Давлатларнинг суверен тенглиги принсипи халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принципларидан бири сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставида ҳам мустаҳкамланган.

Конститутсиянинг 1- моддасидаёқ Ўзбекистоннинг ҳам суверен, ҳам демократик республика деб эълон қилиниши жуда катта халқаро ҳуқукий аҳамиятга моликдир. Чунки демократик республика ҳақида сўз кетар экан, аввало, ушбу давлатда демократик тартиблар қарор топганлиги, давлат бевосита кенг халқ оммаси қўлида эканлиги назарда тутилади.

Конститутсиямизга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси демократик давлатdir. Давлатнинг демократиклиги, аввало, унинг халқпарварлигига, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинишида, мафкуравий ва сиёсий ҳурфикарлиликда, фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришида ўз аксини топади. Бинобарин, Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи халқdir. Бу давлатнинг халқчиллигини, демократиклигини англаатади.

Юридик нуқтаи назардан қараганда, «халқ» сўзи «фуқаролар» тушунчаси билан уйғун бўлиб, яхлит давлатга мансублик ва бирликни ифодаловчи, давлатга хос кишиларнинг умумийлигидир. Халқ давлатнинг жисмоний асосини ташкил этади.

Ҳокимият кимнидир бошқаришни, ўз-ўзига бўйсиндиришни англаатади. Ҳокимият — ижтимоий ҳодиса. У кишилик жамиятининг юзага келиши билан пайдо бўлади ва барча инсонлар жамиятида мавжуддир, чунки барча инсонлардан жамиятни турли восита ва эҳтиёжлар орқали бошқаришни таъминлаш талаб қилинади.

Давлатнинг юзага келиши билан унинг муҳим белгиси сифатида давлат ҳокимияти ҳам пайдо булади. Давлат ҳокимияти ўзининг энг асосий элементи сифатида барча жамият аъзоларининг умумий хоҳиш-иродаси ва қарашини акс эттиради. Давлат ҳокимияти — халқ ҳокимиятининг ягона шакли эмас. Унинг бошқа шакли маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришдир. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизимиға кирмайди.

Демократия халқ ҳокимиятчилиги турли кўринишларининг тан олиниши ва реал амалга ошишидир. Халқ суверенитети халқнинг ўз ҳокимиятини мустақил, тегишли конститутсиявий механизмлар воситасида ўз манфаатлари йўлида амалга оширишини англатади. Халқ ижтимоий ҳаётнинг барча жавҳаларида ҳокимиятнинг тўла соҳиби сифатида майдонга чиқади ва у ҳокимиятни ҳеч ким билан бўлишмайди. Ҳокимиятни Конститутсиянинг 7- моддасида назарда тутилмаган тартибда ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб кўйиш ёки тугатиш, давлат ҳокимиятининг янги ва мувозий таркибларини тузиш ғайриконститутсиявий ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортилишга асос бўлади.

Демократик жамиятда ҳокимият қонуний (легитим) тарзда ташкил этилади ва халқнинг назорати остида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Президента И.А.Каримов жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи учта мейёр бор, дейди. «Булар — халқ қарорлар кабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлигидир. Хукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир»¹. Шу тариқа демократия теранлашиб ва кенгайиб боргани сайин халқ ҳокимиятчилиги давлатнинг шакли ҳамда бошқарув усули сифатида ҳокимиятга эгалик қилиш ва амалга оширишнинг ташкилий принсипига айланади. Ҳокимият идоралари халқ ишончига қанчалик сазовор бўлса ва унга таянса, шунчалик тулақонли ҳамда ваколатли бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Конститутсияси мамлакатни демократик йўлдан ривожлантиришнинг хуқуқий кафолатидир. Асосий Қонунимизнинг демократик жамият қарор топишига кўшган жуда катта ҳиссаси шундан иборатки, у мавхум жамият ёки умуман халқнинг эмас,

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракдиёт юлида. 6-том. — Т.: Узбекистон, 1998,— 156—157-ботлар.

балки муайян инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, хуқук ва эркинликларига қаратилгандир. Конститутсиявий норма ва қонунларнинг устуворлиги, уларнинг инсон манфаатларини қўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни хуқукий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омидидир.

«Демократия» ибораси юононча «халқ ҳокимияти» деган маънони билдиради. Бундай давлат бошқаруви шаклида ҳокимият халқ томонидан бевосита ёки вакиллик органлари орқали амалга оширилади. Демократик давлат фуқароларнинг давлат ва жамоат ташкилотларини бошқаришдаги хукуқларини амалда таъминлайди, шундай иштирок шароит яратади ва ёрдам беради, шахснинг хуқук ва эркинликлари тула-туқис амалга оширилишини кафолатлайди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида қонун билан бевосита тақиқланмаган фаолиятни амалга оширишга юл куйилади.

Демократик давлат — давлатнинг тамомила янги тарихий шаклидир. Бундай давлат утмишда булган эмас. У ижтимоий адолат тамойилларига, хуқуққа, қонунга, қонунийликка асосланадиган давлатдир. Утмиш жамиятларда халқ давлатга кул каби хизмат қилган, унга батамом қарам булган, инсон давлат машинасининг бир мурвати деб ҳисобланган булса, демократик давлат эса, аксинча, халқ учун хизмат қиласидиган, унинг манфаатларини, хақ-хукуқдарини таъминлайдиган давлатдир.

Узбекистон Конститутсиясида уз аксини топган «демократия» тушунчаси мутлақ халқ ҳокимиятчилиги хукмронлигидан далолат беради. Чунки Конститутсиямизнинг бир қднча боблари ва моддалари ҳақиқий халқ ҳокимиятчилиги руҳи билан суғорилган. Масалан, 2-моддада айтилганидек «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қиласиди. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фукдролар олдида масъулдирлар». 9-моддага кура, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим

масалалари халқ мұхокамасыга тақдим этилади, умумий овозға (референдумға) күйилади. 10-моддага биноан эса, Узбекистон халқы номидан фақат у сыйлаган Республика Олий Мажлиси вәлелик Пезиденти иш олиб бориши мүмкін. Демақ Конститутсияда мустаҳкамлаб қўйилганидек Узбекистонда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир.

Конститутсиямизнинг 1-моддасида мустақил, суверен давлатимизнинг «Узбекистон Республикаси» ёки «Узбекистон» деб юритилиши алоҳида уқтирилади ва бу икки хил номланишдан катъи назар, улар бир маънони англатиши таъкидданади. Бу тарихда биринчи марта Узбекистон ҳақиқий маънодаги миллий мустақил давлат мақомига эга булғанлигининг рамзий ифодасидир.

«Узбекистон» деган ном узининг мазмунига фақат 1991 йил И сентябр куни — узбек халқи мустақилликка эришган санадан иошлаб эга булди. Шу сабабли Конститутсияда эътироф этилган «Узбекистон Республикаси», «Узбекистон» деган иборалар чуқур мазмунга эга булиб, ҳозирги кунда бу ном жаҳон халқдарига тобора купроқ танилиб бормоқда.

Узбекистон республика шаклида идора қилинадиган давлатдир. Республика шаклидаги давлат бошқарувининг асосий сифатловчы белгиси шундаки, бунда давлат ҳокимияти органлари давлат бошлири муайян муддатга сайлаб қўйилади. Худди мана шу жиҳати билан давлатнинг республика шакли монархиядан (яни, якка ҳокимлик ҳукм сурадиган ва ҳркимият ваколатлари ворислик ҳукуқи асосида мерос булиб утадиган давлатбошқаруви шаклидан) фарқ қиласи.

Республика шаклидаги давлатда демократияни қарор топтириш учун қулай имкониятлар яратилади. «Республика» тушунчаси «демократия» тушунчаси билан борликдир. Бошқарувнинг республика шакли, қоида тариқасида, мамлакатда демократик сиёсий тузумни кафолатлайдиган

демократик ташкилий давлат хокимиятини ифода этади¹. Аслида демократиянинг узи давлат шакли саналади. Шу боис демократия республика шаклидаги давлатнинг мазмун-моҳиятини янада тулдиради.

Демократик республика эркинлик учун ижобий хизмат қилади, унинг ривожланишига кумаклашади, ижтимоий тенгликни юзага келтиради, сайловлардаги тенглик давлат мансабларига эришишдаги тенг ҳуқукдилик таълим олиш ва мулкка эга булиш соҳасидаги тенглик сиёсий ироданинг шаклланишида қдтнашиш ҳдмда давлат ҳокимиятига даъвогар кучларни ҳуқуқий жиҳатдан ташкил этишдаги имкониятлар тенглиги айнан демократик республикада намоён булади.

«Республика» ибораси лотинча «умумхалқ иши» деган маънони билдиради. Республика давлат бошқарувчи шакли булиб, бунда ҳокимиятнинг барча олий органлари ё сайлаб куйилади ёки вакиллик органлари (парламентлар) томонидан тузилади. Конститутсиямизга кура, Узбекистонда қонун чиқарувчи орган, яъни олий давлат ҳокимияти органи — Олий Мажлис ҳам, давлат бошлиги Президент ҳам фуқдролар томонидан сайланади.

Мустакслик туфайли Узбекистонда давлат бошқарувининг янги, замонавий ва самарали тизими шакллантирила бошланди. «Президентлик бошқарув усули — шу тизимнинг узагидир».²

Давлат бошқарувининг президентлик шакли Узбекистонда тасодифий равища юзага келмади. Давлат бошқарувининг бу замонавий ва самарали шаклини юзага келтиришда ҳалқдизнинг давлатчилик соҳасидаги куп минг йиллик тарихий тажрибалари, юртимизнинг муайян шарт-шароитлари, ҳалқдизнинг анъаналари ва менталитета, узига хос ҳусусиятлари,

¹ Сайдов А., Таджиханов У., Одилкргиев Х. Давлат ва ҳуқуқ асослари: Дарс-лик. — Т.: Шарқ, 2002,— 67-бет

² Каримов И.Л. Узбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мағкура. 1-том.— Т.: Узбекистон, 1996,— 37-бет

шунингдеқ ҳозирги замон илрор давлатларининг тажриба ва ютуқдари ҳисобга олинди.

Жаҳон тарихий тажрибаси президентлик бошқарув шакли давлат бошқарувининг энг мақбул, халқ манфаатлари эҳтиёжларига жавоб берадиган қулай тизимларидан бири эканини курсатиб турибди. Масалан, ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо 192 давлатдан 140 тасида Президент лавозими жорий қилинган булиб, уларнинг аксарияти президентлик республикасидир. АҚШ, Франсия, Аргентина, Бразилия, Мексик Россия Федератсияси, Гондурас, Гамбия, Уругвай ва бошка давлатлар шулар жумласидандир.

Узбекистонда жорий этилган давлат бошкдруви президентлик усулиниң мазмун-моҳияти, асосий тамойиллари, узига хос хусусиятлари, Президентнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари Асосий Крунимизда ҳамда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Узбекистон Республикаси Президента сайлови тутрисида»ги Қонунда баён этилган.

Шундай қдлиб, Юрбошимиз айтганидек «Узбекистон — келажаги буюк давлат». Бу — мустақил, демократик ҳуқуқий давлатdir. Бу — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қдтъи назар, фуқороларнинг ҳуқукдари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатdir.¹

¹ Каримов И.А. Узбекистон: миллий истиқдол, иқтисод, сиёsat, мафкура. И шм. Т.: Узбекистон, 1996.— 44-бет.

1.2. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамияти асосларини яратилиши.

«Демократиянинг энг юқори поғонаси фуқаролик жамиятидир»

Ислом Каримов.

“Демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу – демократиянинг ажралмас қисми бўлган ҳалқ ҳокимияти, ҳалқнинг хоҳиш-иродаси ва очик, эркин сайловлардир. Бу – охир-оқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир”¹.

Хуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири саналган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган сиёсий ҳуқуқлар негизини ташкил этувчи фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, энг аввало,

¹ И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ҳалқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир” деган тамойилни амалга ошириш мақсадини кўзлайди.

Фуқаролик жамияти – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир. Фуқаролик жамияти – бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади.

Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилади. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланди. Айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичмабосқич ўтиш орқали рўй беради. “Фуқаролик жамияти” тушунчаси илк бор кадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотелнинг “Сиёsat” асарида ёритилган. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшashi учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим.

Шарқда фуқаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳукуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимий ёдгорлик бўлмиш “Авесто”да кишиларнинг биргалашиб яшashi, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши каби ғоялар олдинга сурилган. Абу Наср Форобийнинг асарларида, хусусан, унинг “Фозил одамлар шахри” асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланади. Фуқаролик жамияти кенг маънода жамиятнинг шундай қисмини билдирадики, бу қисмда давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олинмаган бўлади. Фуқаролик жамияти тор маънода, яъни ўз маъносида

хуқуқий давлат билан бевосита боғлиқ. Фуқаролик жамиятида эркин ва тенг хуқуқли ҳамкорлик ҳукмронлик қиласи.

Хозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари куйидагилардан иборат: фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти (1), фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти (2) ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти (3). Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қуйидагича таснифлаш мумкин.

Фуқаролик жамияти институтларининг таснифи.

Иқтисодий соҳада:

1. Хусусий мулк асосида фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари;
2. Ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;
3. Ижара асосида ишловчи жамоалар;
4. Ҳиссадорлик жамоалари;
5. Молиявий жамғармалар ва уюшмалар;
6. Ишлаб чиқариш корпорациялари, концернлари ва бирлашмалари;
7. Тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

Ижтимоий соҳада:

- 1.Оила ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи маҳсус ташкилотлар;
- 2.Таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта маҳсус ва олий таълим муассасалари;
- 3.Жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
- 4.Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 5.Мустақил оммавий ахборот воситалари;
- 6.Диний ташкилотлар;
- 7.Миллий-маданий марказлар;
- 8.Ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;
- 9.Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари ва бошқалар.

Сиёсий соҳада:

- 1.Сиёсий партиялар;

2.Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;

3.Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиласидиган институтлар ва бошқалар;

1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган “**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**”ги Қонун қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари–бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида хизмат қилаётган қонунлардан қўйида баъзиларини тилга олишимиз мумкин: “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун, “Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонун ва бошк.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишга кумаклашувчи “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, “Соғлом авлод учун” ва “Нуроний” жамғармалари, “Ижод” фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари самарали фаолият юритмоқда.

Мамлакатимиз хаётида айникса 2001 йилдан кейинги давр фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври булди десак муболага булмайди.

Ушбу даврда қўйидаги вазифалар амалга оширилмоқда:

- ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш;

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси икки палатали парламентга айлантирилиши;
 - давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши;
 - суд-хуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чукур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ қилиниши,
- Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва х.к.

Мамлакатимиз сунги ун йилликда жамиятда сиёсий, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда янги, юқори босқичга кўтарилди.

Фуқаролик жамияти қуришда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига катта умид боғланади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов: “Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчилигимиз ривожлана борган сари бошқарувнинг турли хил вазифаларини бевосита ҳалқقا топшириш, яъни ўз-ўзини бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир”¹-дейди.

Ўз-ўзини бошқариш органларини ташкил қилишда, шакллантиришда Ўзбекистоннинг ўзига хос ҳусусияти шундаки, ушбу масалани ҳал қилишга миллий анъаналарни, тарихий қадриятларни тиклаш, аҳолининг туб манфаатларига мос келувчи йўлни танлаш нуқтаи-назаридан ёндошиш бўлди. Ҳусусан, ўз-ўзини бошқаришда асосий таянч қилиб маҳаллалар белгиланди. Улар инсон қалбида Ватан туйғусининг шаклланишига, миллий ғурурнинг вужудга келишида, миллатчилик иллатларидан холи бўлишда катта таъсир кўрсатиб келган.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг муваффақияти демократик жараёнларни ривожлантириш имкониятини

кучайтиromoқда, бу эса ўз навбатида асосий мақсад - фуқаролик жамиятини қуришга кўмаклашмоқда.

Ўз-ўзини бошқариш муассасалари фаолиятининг кенгайиши бевосита маҳаллаларнинг мавқенини кучайтириш билан боғлиқ. Ўз-ўзини бошқариш органлари ёки маҳаллаларнинг вазифаси, аҳолини давлат ва жамият ишларида иштирокини таъминлаш кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиш билан чекланиб қолмайди.

1Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов биринчи чакирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг ўн тўртинчи сессиясидаги маъруzasидан (1999 йил, 14 апрел)

Уларнинг муҳим вазифаси ҳар бир шахснинг онгини, маънавий камолатини ошириш учун, миллатчилик, маҳаллийчилик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун иш олиб бориш ва миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъана-ларга, Ватанга, давлатга ва бошқа фуқароларнинг манфаатига хурмат билан қараш руҳида тарбиялашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январда “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида”ги Фармони ижтимоий ҳимоя соҳасида ўз-ўзини бошқариш органларига янги ваколатлар беришни кўзда тутади: 1) фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий ролини ошириш; 2) ҳудудларни ижтимоий ривожлантириш; 3)мухтож оилаларга аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад кўрсатишин такомиллаштириш.

Давлат томонидан бажариладиган вазифаларни фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларига ўтказилиши, нодавлат ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш, ундаги жамоа руҳи ва табиатини мустаҳкамлашни, самарадорлигини оширишни талаб қиласди. 1999 йил апрел ойида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг янги таҳрири айнан шу мақсадга қаратилган.

Шунингдек, ҳар бир шахснинг фикри, овози эътиборга олиниши, уларни фуқаролик жамиятининг аъзоси эканлигини ҳис қилишлари учун асосий омил бўлиб хизмат қиласди.

Инсоният тарихида янги давр-Инсон ҳуқуқлари даври бошланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995-2005 йилларни куррамизда “Инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги” деб эълон қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг маъruzalарида инсон ҳуқуқлари соҳасида амалга оширилиши лозим бўлган мухум стратегик йўналишлар белгилаб берилган:

- инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини таъминлаш;
- инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари ва нормалари асосида миллий қонунчиликни такомиллаштириш;
- қабул қилинган қонунларга оғишмай амал қилиш механизмини ишлаб чиқиш ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш;
- ҳуқуқий тарбия ишларини тубдан яхшилаш, ахолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш.

Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси 1997 йил 29 августда “Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури”ни тасдиқлади. Дастурда: “Жамият ва давлат тараққиётини ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларини ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларни муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди

Миллий дастурнинг мақсад аҳамияти ахолининг барча қатламларини ҳуқуқий саводхонликка эришишлари, юксак даражадаги ҳуқуқий онгга эга бўлишлари ҳамда ҳуқуқий билимларни кундалик ҳаётда қўллай олишлари

учун ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг кенг қамровли мунтазам тизимини яратишдир”¹-деб такидланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқий тарбияни яхшилаш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини юксалтириш, ҳуқуқшунос кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, жамоатчилик фикрини ўрганиш ишини яхшилаш ҳақида” (1997 йил, 25июн) Фармони эълон қилинди. Ушбу фармоннинг 1-бандida шундай дейилади:

“Аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва ҳуқуқий тарбиясини

1.Ўзбекистон Республика Олий Мажлиси 1997 йил 29 август. «Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш Миллий дастури»

яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгилансин”.

Республикамизда мустакиллик йилларида миллий давлатчиликни барпо этиш борасида давлат ва жамият ҳаётининг янги демократик ҳуқуқий асослари яратилди.

Демократиянинг энг муҳим тамойили одамларнинг сайлов ҳуқуқларини, амалга ошириш, ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифодалаш учун зарур ҳуқукий шарт-шароит, қонуний асос яратишдир. Шу боис мамлакатимизда мустақиллик йилларида халқимизнинг ўз ҳоҳиш-иродасини эркин ифода этишни таъминловчи сайлов тизимини шакллантириш ва уни қонун билан мустаҳкамлаш борасида талай ишлар қилинди.

1991 йил ноябрида Парламент “Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Ушбу қонун билан бирга Олий Кенгаш 1991 йилда “Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисида”ги қонунни ҳам қабул қилди.

Сайлов тўғрисидаги қонунларни таҳлил қилсақ, унда жаҳон сайлов тажрибасида эришилган энг демократик тартибларнинг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланиш билан бирга, Ўзбекистон сайлов тизимига хос бўлган хусусиятларнинг ҳам белгиланганлигини кўрамиз. Бу Ўзбекистон сайлов тизимигагина хос хусусиятдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиётида фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича қўйган мақсадларимизга етишишда ҳал қилувчи омил бўлиб қолади.

Хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тегишли эксперtlари ҳам Ўзбекистон сайлов қонунчилиги моҳияти демократик эканлигини унинг сайловларни ташкил этиш соҳасидаги халқаро ҳуқуқни тан олинган тамойилларига мос келишини таъкидлайдилар.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, инсонпарвар фуқаролик жамиятида фуқаролар ўзларининг сиёсий ҳуқуқлари ва эркинликларини давлат ва жамият ишларини бажариш уларни идора этишда фаол қатнашиш орқали амалга оширилмоқда.

ИИ -БОБ. И.А.КАРИМОВ АСРЛАРИДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ АСОСЛАРИ.

2.1. Демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг етти устувор мақсад-вазифалари концепцияси ҳамда инсон омили ва мезонлари.

Демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этишдек сиёсий мақсадларга эришиш, шунингдек, собиқ тоталитар тузумдан инсонпарвар демократик тузумга ўтиш, янги жамият барпо этиш айнан туб ислоҳотлар орқали амалга оширилади.

Зотан, Ўзбекистон ўз истиқлонини қўлга киритган дастлабки кунлариданоқ аввало, иқтисодий - ижтимоий ислоҳотларимизнинг асоси бўлган, дунёда «ўзбек модели» деб ном олган бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойили ишлаб чиқилди.

Бугун шуни ишонч билан айта оламизки, нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки жамиятимизни сиёсий ва маънавий жиҳатдан янгилаш борасида ҳам биз танлаган тараққиёт модели ва асосий ривожланиш тамойиллари ҳаётда ўзини оқламоқда.

Шу билан бирга, бу устувор йўналишларнинг айримлари - хусусан, қонун устуворлиги, ислоҳотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтиомий сиёсат каби тамойиллар мамлакатимизни ривожлантиришнинг кейинги даврларида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Айни пайтда, шуни айтишимиз зарурки, Ўзбекистон Республикасидаги ижтиомий-иктисодий ва маънавий-хуқуқий ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёнининг кўлами кенгайиб, самарадорлиги ошиб боргани сари жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш зарурати туғилди. Шу боис ҳам биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ХИВ сессиясида ва Олий Мажлиснинг 2000 йилги И сессиясида жамиятни сиёсий, иқтисодий, хуқуқий ва маънавий соҳаларини эркинлаштириш ва демократлаштиришга қаратилган стратегик дастур қабул қилинди.¹

Шундан буён ўтган вақт мобайнида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, давлат тузилишини демократлаштириш, бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, хусусий мулкни, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес манфаатларини ҳимоялаш борасида зарур кафолатларни яратиб беришга алоҳида эътибор қаратилди ва бу йўналишдаги ишлар ҳозирда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ижтиомий-иктисодий ҳаётимизнинг бу соҳаларида муносабатларни тартибга солувчи бир қатор янги қонунлар қабул қилинди ва қўпгина қонун хужжатларига тегишли ўзгартиришлар киритилди, қонунларни амалиётда қўллаш жазо тизимни тубдан кўриб чиқиш соҳасида жиддий ўзгаришлар, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 3-бет.

Мамлакатимиз тарихан қисқа вақт мобайнида дунё ҳамжамиятида қатъий ва мустақил ташқи сиёsat натижасида муносиб ўрин эгаллади. Айтиш керакки, бу Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича давлатимиз олға сурган барча маълум ташабbusлар, қилинганд катта амалий ишларнинг самарасигина бўлибгина қолмасдан, айни пайтда мамлакатимизда демократик тамойиллар ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш жараёнида намоён бўлаётган жиддий ижобий ўзгаришларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилишидир.

Шу маънода 2002 йилнинг январида мамлакатимизда умумхалқ Референдумининг ўтказилиши ва унинг якунлари давлатчилигимиз ривожида, жамиятни демократик янгилаш жараёнида муҳим босқич бўлди.

Буларнинг барчаси инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ва жамиятни демократлаштиришдек ўз олдимизга қўйган олижаноб мақсад ва мэрраларга этиш йўлида юртимизда амалга оширилаётган катта ўзгаришларнинг аниқ ва ёрқин кўринишидир.

Шуни қатъий ишонч билан айтиш мумкинки, жамият тараққиётнинг ҳар бир босқичи - бу янги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўз истиқлол давлатчилиги ривожининг тўртинчи тақдириломон сифат босқичига қадам қўяркан, Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бизнинг вазифамиз мамлакатимизни, жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва сўзсиз бу борада амалга оширган ижобий ишларимизни қатъият билан давом эттириш, уларни халқимиз орзу қилган мэрраларга етказишдир”¹.

Фуқаролик жамиятини демократлаштиришни янада чуқурлаштиришнинг янги сифат босқичининг назарий методологик асосманбаси бўлиб Йўлбошчимиз Ислом Каримов яхлит сиёсий-ҳуқуқий таълимотининг муштарак квинтесцентсияси бўлмиш Ўзбекистонда

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 6-бет.

демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг “ўзбек модели”нинг машхур беш тамойили ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш билан боғлиқ мумтоз стратегияси узвийлигига ботинан вобасия етти устувор мақсад - вазифалар концепцияси хизмат қиласди.²

Ислом Каримовнинг 2002 йил 29-30 август кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида қилган “Ўзбекистонда демократик йўналишларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” маъruzасида аниқ белгилаб берилган ушбу этти устувор мақсад ва вазифалар ўз теран фалсафаси ҳамда мундарижаси билан миллий тараққиётимизнинг машхур беш тамойили ҳамда XXI аср бошларидаги олти устувор йўналишдан иборат стратегиянинг бевосита узвий мантикий давоми, ялпи ислоҳий янгиланишларнинг дастуриламали бўлди. Айни пайтда, миллий демократик камолотимизнинг янги муаммолари ва уларни бартараф этиш йўлидаги вазифалар ижроси билан боғлиқ механизмлар квинтэссенцияси, дастури бўлди.

Хўш бу етти устувор мақсад-вазифалар мақом-моҳияти нималардан иборат? Уларни амалга ошириш йўллари - механизмлари қандай?

“Биз учун энг асосий, энг муҳим устувор мақсад - тенгсиз олий неъмат - мустақилликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, химоя қилиш ва мустаҳкамлаш бўлиб қолаверади”¹, дея Ислом Каримов дастлабки вазифани белгилади.

Мустақиллик осонликча қўлга киритилмади. Не-не улуғ фарзандларимиз унинг учун азиз жонини тикмади.

Мустақилликка эришиш бир саодат, лекин уни асраб-авайлаш, қадрига этиб, янада мустаҳкамлаш ўзгача саодат.

² Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари – Т.Ўзбекистон, 2002

¹ Каримов И.А. Раҳбар, етакчи ўзи ёниб, ўзгаларни ҳам ёндирб яшashi керак. Халқ сўзи. 2002 йил 22 феврал

Мустақиллик-хуқуқ, деган қараш таомилга айланди. Йўлбошимиз сўзлари билан айтганда, “Мустақиллик биз учун, аввало, ўз тақдиримизга ўзимиз эгалик қилиш хуқуқи, келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш, юртимиз бойликларидан фақат халқимиз ва Ватанимиз манфаатлари йўлида фойдаланиш демакдир”².

Мустақиллик, айни пайтда биздан зиммамизга олган халқаро мажбуриятларга риоя этиш ва уларни бажариш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Низоми талабларига, халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларига қатъий амал қилиб яшаш масъулияти ҳамdir.

Узок-яқин қўшнилар билан самимий дўстлик, манфаатли ҳамкорлик асосида яшаш, цивилизация дунёсида ўзимизнинг бетакрор ўрнимизни мустаҳкамлаш, қонуний имиджимизни янада орттириш учун тинимсиз интилиш ва кураш айнан мустақиллик мақоми эканлигини унутмаслик лозим.

Дарвоқе, айнан ана шу стратегия мустақил давлатимизни сиёсий жиҳатдан ривожлантириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, жамиятни маънавий янгилаш борасида олиб бораётган барча ислоҳотларимизнинг мезонидир.

Хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқароларимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш - иккинчи устувор йўналиш, деб белгиланди.

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, хавфсизлик ва барқарорликни тўла таъминлаш орқали демократик тараққиётда изчил давом этишдек, бош мақсадни давлат сиёсатининг тақдириломон стратегик йўналишига айлантирди. Президентимиз Ислом Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида миллий хавфсизлик ва мамлакат барқарор ривожланишининг, сифат жиҳатидан ички ва ташқи мувозийлигини сақлаш ҳамда қўллаб-қувватлашнинг минтақавий можароларнинг олдини олиш,

² Уша жойда

дунёда сиёсий мувозанатни сақлаш, глобал хавфсизликни таъминлаш муаммолари ечимининг аниқ йўлларини белгилаб берди.

Хавфсизлик ва барқарорликка таҳдидларнинг кучайишлари олдини олиш, уларни келтириб чиқарган манбаларни ўз вақтида аниқлаб, уларни зудлик билан бартараф этишда Ўзбекистон, биринчидан, хавфсизликнинг яхлитлигини, уни таъминлашда бутун дунёning яқдилу яктан бўлиши зарурлигини, зотан, хавфсизлик чегара билмас узлуксиз холат, ҳадсиз - худудсизлиги ҳақиқатини қўллаб-қувватлади.

Иккинчидан, умумхавфсизликка таҳдид асосан, этник, диний ва минтақавий можаролар мамлакат ичидағи сепаратизм, халқаро террорчилик воситасида рўй бераётган ҳақиқатдан келиб чиқкан ҳолда Ислом Каримов 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида, кейинчалик эса қатор халқаро анжуманлардаги нутқларида бутун дунё давлатлари ва жамоатчилигини халқаро террорчиликнинг даҳшатли фожеий оқибатлари ҳақида огоҳлантириб келди. Лекин бу одил мурожаат ва чақиравга деярли ҳеч ким эътибор бермади.

2001 йил сентябрида АҚШда содир этилган террорчилик билан боғлиқ фожиалар жаҳоннинг турли минтақалари диққатини ўзига тортди. Бу фожиа бугунги кунда ҳамма учун битта ҳақиқат, яъни бутун инсониятга хавф солиб турувчи ёвузликни бартараф этишдан бирор мамлакат ҳам четда туриши мумкин эмаслигини кўрсатди. Айни шу боис Ислом Каримовнинг ҳушёрликка, огоҳликка даъвати барча учун том маънода тақдириломон даъват бўлди. Ўзбекистоннинг террорчиликка қарши курашда халқаро коалицияга қўшилгани сабаби ана шунда.

Ислом Каримовнинг хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги тинимсиз хизматларини жаҳон, ниҳоят, тан олди. У “Халқаро миқёсдаги буюк давлат арбоби”, деган мукофот билан тақдирланди. Айнан шу хизматлари ўлароқ, 2002 йилда Ислом Каримов Америкадаги Пю Рисерч Сентер мустақил тадқиқот маркази ўтказган сўров асосида жаҳон давлатлари раҳбарлари орасида энг юқори рейтингга эга бўлди.

Мамлакатимизда хавфсизлик ва барқарорликни, давлатимиз худудий яхлитлигини, сарҳадларимиз дахлсизлигини, фуқаролар тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлашда (“Огоҳ бўлинг, одамлар!”) минтақавий можароларнинг олдини олиш, диний экстремизм ва фундаментализмга, буюк давлатчилик шовинизми ҳамда агрессив миллатпарастликка, этник ва миллатлараро зиддиятларга, коррупция ҳамда жиноятчиликка, маҳаллийпарастлик ва уруғ-аймоқчилик муносабатларига, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши кураш ҳал қилувчи омиллардан бўлди.

Айни пайтда, барқарорликнинг шартлари-ю тараққиёт кафолатлари бўлган минтақавий маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг тикланиши, давлатчиликни шакллантириш ҳамда мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, демократик институтларни, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларининг қарор топиши, мулкдорлар синфининг шаклланиши, кучли ижтимоий сиёsat, аҳолининг ижтимоий фаоллигини орттириш, жуғрофий - стратегик имкониятлар ва табиий хом ашё ресурслари, инсон салоҳияти, ижтимоий ҳамда ишлаб чиқариш инфратузилмаси, кенг кўламли ўзгаришлар, тақдириломон масалалар сифатида қаралмоқда.

Энг муҳими, Миллий Мудофаа доктринализга мувофиқ, Мудофаа вазирлиги Чегара қўшинлари бўлинмаларини, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Миллий хавфсизлик хизматининг маҳсус қисмларини ва бошқа идораларнинг ҳарбий тузилмаларини ўз ичига олган қуролли кучларимизни модернизация қилиш борасида ислоҳотлар бошлаб юборилди. Бу мамлакатимиз мудофаа қудратини, чегара худудларини мустаҳкамлашга, жамиятда тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга хизмат қиласи.¹

Бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини тезроқ жорий этиш - учинчи устувор йўналиш, деб топилди.

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар -Т., 2002. 24 б

Барқарор иқтисодиёт, энг аввало, жамиятдаги ялпи демократик ўзгаришларнинг асосий боғловчи бўғини сифатида иқтисодиётни эркинлаштириш маҳсулидир.

Иқтисодиёт соҳасини янада эркинлаштириш, биринчи навбатда, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий эркинликларини ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва хуқуқларини мустаҳкамлашга қаратилган.

Шу ишлар амалга оширилмас экан, иқтисодиёт ҳеч қачон эркин бўлиб, ўзининг қудратли инфратузилмасини яратадиги олмайди.

Маълумки, эркин иқтисодиёт, энг аввало, макроиқтисодий барқарорликка, барқарор иқтисодий ўсишни, ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсишини таъминлаш учун яратиб берилган шароитга боғлиқ.

Ялпи ички маҳсулот ва саноат ишлаб чиқариши аниқ таъминланган шароитда макроиқтисодий барқарорлик мамлакатнинг кейинги йиллардаги иқтисодий ривожланишига бош омил бўлди. Ўзбекистонда ҳар йили ички маҳсулот ишлаб чиқариш 4-5%га ошиб бормоқда. Товар айира бошлаш, гарчи кейинги йилларда ўзбек экспорт маҳсулотларига жаҳон бозорида нарх қарийб икки баробарга пасайган бўлса-да, 12,5 мартаға ўсди.¹

Самарали пул-кредит сиёсати, давлат бюджети камомадининг қисқаргани, солик ислоҳоти, давлат бюджетидаги кирим фойдасининг мустаҳкамлангани давлат бюджетидаги камомад устидан назоратни кучайтириди.

Эркин иқтисодиёт таркибий ўзгаришларни, асосий соҳалар ислоҳотларини чуқурлаштириш, кўпукладли иқтисодиётни юзага келтириши ва ракобат мухитини рағбатлантиришни тақозо этади. Бунинг учун, аввало, мулкни давлат тасаруфидан чиқариб, зарур сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи янги-янги давлат, жамоа, акционерлик, хусусий мулк шаклларига

¹ www.press-info.uz

асосланган корхоналар ҳисобида хусусийлаштириш жараёнларини тезлаштириш лозим.

Хусусийлаштиришнинг бошланган ҳозирги учинчи босқичи мамлакат иқтисодий салоҳиятини таъминловчи йирик корхоналарни оммавий ялпи хусусийлаштиришдан, индивидуал хусусийлаштиришга ўтганлиги, шунингдек, давлат объектларини хусусийлаштиришда хорижий сармоядорларни кенг жалб этиш ташаббуси билан характерланади.

Шундай қилиб, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини рўёбга чиқариш йўллари: хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни жадал ривожлантириш, ташқи иқтисодий фаолият ҳамда валюта бозорини эркинлаштириш; миллий валюта - сўмнинг харид қувватини ошириш; иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш; хорижий инвестицияларни жалб этиш; олтин-валюта заҳираларининг барқарор ўсишини таъминлаш; дунё иқтисодий тизимиға интеграциялашув ва жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш. Дастлабки самаралар шундан далолат берадики, Ўзбекистон барқарор иқтисодиётга эришишдек, бош мақсад сари амалий ишлар кўламини ошириб, аниқ ва юксак натижаларга эришмоқда.

Тўртинчи устувор йўналиш - бу инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказиладиган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни сўзда ёки қофозда эмас, амалий ҳаётда жорий қилиш.

“Ахборот соҳасини жадал ривожлантириш, дейди И.А.Каримов, - оммавий ахборот воситалари - матбуот, радио, телевидение фаолиятини эркинлаштириш фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараённинг узвий таркибий қисмига айланиши зарур.

Қисқа қилиб айтганда, оммавий ахборот воситалари том маънода “тўртинчи ҳокимият” даражасига кўтарилимоғи лозим.

Шуни таъкидлаш керакки, бу йўналишда кўп иш қилинмоқда”¹.

Энг муҳими - оммавий ахборот воситалари жамиятни демократлаштириш ва кишиларимизни ҳуқуқий-демократик қадриятлар руҳида тарбиялаш, ўзбек халқи миллий менталитетини янги сифатий миқёсларга қўттармоғи шарт. Шу маънода Юртбошимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, сўз ва матбуот мустақиллигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга кенг жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ҳамда сифат жиҳатидан янгилаш борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини таъкидлади.

Шунингдек, юқорида таъкидлаган устувор мақсад билан боғлиқ вазифалардан ҳисобланган очиқ жамиятга хос ошкораликни таъминлаш, жамоатчилик фикрини ўрганиш усул-услубларини такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабаб - шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг ҳолатини, жамоатчилик фикрини узлуксиз ўрганиб, натижаларини умумлаштирган ҳолда, ижтимоий ҳаётнинг у ёхуд бу соҳалари билан боғлиқ муаммоларни ОАВда акс эттириши лозим.

Ислом Каримов нутқида тўртинчи мақсад-вазифа билан боғлиқ яна бир масала - жамиятда теран сиёсий маданиятни юксалтириш, аҳоли сиёсий фаоллигини янада ошириш, унинг сиёсий, ижтимоий ва давлат ҳаётида, шунингдек, сайловларда онгли фаол иштирок этишни тўла таъминлаш, ҳақиқий кўппартиявийлик, демократик парламентаризм, ижобий сиёсий рақобат муҳитини қарор топтириш ва жамиятимиз сиёсий майдонида тан олинган соғлом мухолифат пайдо бўлишига ҳисса қўшиш каби фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, демократик янгиланиш жараёнларини мақсадли тезлаштиришнинг муҳим омили, деб айтилди. Худди мана шу Олий Мажлисни икки палатали қилиб ташкил этиш, қуйи палатага, асосан партиялар томонидан тақдим этиладиган рўйхатлар бўйича сайлов ўтказиш жамиятимизни сиёсий жиҳатдан фаоллаштиришга кучли туртки беради.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. Т.6. –Т.:Ўзбекистон, 1998. 56 б

Сайловлар тўғрисидаги қонуннинг қоидаларини қайтадан кўриб чиқиш ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

Бешинчи устувор мақсад - вазифа “Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамияти сари” сиёсий қурилиш дастурини ҳаётга жорий этишга сафарбар нодавлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини кескин оширишдир. Бундан асосий мақсад - ижтимоий, иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказа бориш.

Маълумки, нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилотларига давлатга қарашли бўлмаган, аммо маълум қонунлар ёки меъёрий ҳужжатларда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатадиган ташкилотлар киради. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда, жумладан, 3 минглан зиёд нодавлат, нотижорат ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Улар ўз мақсадлари ва мақомларига қараб, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар қўмиталари, турли жамғармалар, ҳукуматга қарашли бўлмаган ҳуқуқни ҳимоя қилиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, зиёли ижодкорлар (ёзувчилар, рассомлар, бацакорлар, архитекторлар, файласуфлар жамияти ва ҳоказо) миллий маданий марказлар, халқаро жамғармалар ва бошқа бир қатор ташкилотлардир.

Бу ташкилотлар давлат томонидан маблағ олмасдан фуқаролар, ёшлар, зиёли ижодкорларнинг фаоллигига таянган ҳолда, ихтиёрий равища уюшмалари асосида вужудга келади. Аммо уларнинг айримлари дастлабки пайтларда давлат томонидан маблағ билан таъминланиши ҳам мумкин. Чунки улар, бир томондан, ҳокимият учун курашни мақсад қилмайдилар, балки давлат фаолиятини барқарорлаштиришда фуқароларнинг манфаатларини, хусусан, уларнинг моддий шароитларини яхшилаш, дам олиш, соғлиқларини тиклаш ҳуқуқларини таъминланиши ва бошқа бир қатор ижтимоий муаммоларни яхшилашда ҳокимият билан ҳамкорлик қиладилар

ва ана шу масалаларни ҳал этилишида ҳокимиятга ўз таъсирини ўтказиб борадилар.

Жамият ҳаётида нодавлат, жамоат ташкилотлари ва ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний ўрни, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим. Шу ўринда савол туғилиши мумкин: бундай вазиятда давлат тизимнинг роли нимадан иборат бўлади?

Бу масалада давлатнинг роли, аввало, иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги устувор йўналишларни аниқлашга, қабул қилинган қонунлар ва хуқуқий нормаларнинг барча томонидан сўзсиз бажарилишини таъминлашга, ташаббус ва тадбиркорликни рағбатлантиришга, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратмоғи лозим.

Биринчи йўналиш жамиятда “Адолат - қонун устуворлигига”, деган ҳаётий тамойилга қатъий амал қилиб яшаш учун шароит юзага келтириш мақсадини ҳам қамраб олади.

Ўз навбатида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳам қонун асосида, қонун устуворлигига хуқуқий негизда кечмоғи даркор.

Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси, жамоат бирлашмалари, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян хуқуқий асослари яратилганидан далолат бериб турибди.

Қонунлар ижросини таъминлаш, мамлакатда қабул қилинган ва амалда бўлган меъёрий ҳужжатларни ҳаётга жорий қилишда давлат ҳокимият органлари фаолияти уцидан жамоатчилик назоратини кучайтириш муҳим аҳамият касб этади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Шуни

унутмайлики, биз давлатнинг назорат функцияларини қанча кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўровонлиги ва корруптсия шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг қуч ишлатувчи тузилмалари фаолияти уцидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимииз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ”¹.

Ҳар бир фуқарода даъвогарлик ҳиссини тарбиялаш биз қураётган демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг тамал тошларидан биридир. Йўлбошчимииз уқтирганидек, “Жамиятда фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланганда у чинакам - хуқуқий, фуқаролик жамияти бўлади.

Ҳар бир киши ўз хуқуқларини аниқ ва равshan билиши, улардан фойдалана олиши лозим.

Хуқуқий давлатнинг асосий белгиси - барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир”.

Кимки Конституция, амалдаги қонунлар, Президент фармонлари ва Ҳукумат қарорларини яхши билса, унда даъвогарлик ҳисси ўткирлашади.

Афсуски, кўпчилик фуқароларимиз ўз ҳақ-хуқуқларини, уларни қай тартибда, қайси идора орқали амалга оширишни тўлиқ билишмайди. Билганлари ҳам рад жавобини олишганда, суд даражасигача низолашиш тартибидан, яъни ўз ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб, қайси идорага, қай тартибда шикоят қилишдан бехабар.

Шунингдек, фуқароларимиз меҳнат хуқуқларини ҳам яхши билади, дея олмаймиз. Шу боис ишсиз юрганлар, иш топаолмаётганлар ҳам анча.

Конституциямизнинг 37-моддасида ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган.

¹ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. –Т.7. -Т.:Ўзбекистон, 1998

Иш тополмаган киши ўзи яшаб турган ҳудуддаги меҳнат ва бандлик идорасига иш билан таъминлашни сўраб мурожаат этиши лозим. Бу идоралар уни иш билан таъминлайди, унгача ишсизлик мақоми бериб, нафақа белгилайди, касбга ўқитади. Лекин бу идораларга иш излаб юрган ҳамма фуқаролар ҳам мурожаат этишмаяпти.

Мурожаат этмаганларнинг аксарияти ишсизликдан ҳимояланиш, иш билан таъминланиш ҳукуқларини билишмайди.

Яна фуқароларимизнинг меҳнат қилиш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳукуқларидан фойдалана олмасликлариға, яъни даъвогарлик ҳиссини сустлигига истаганча мисоллар келтиришимиз мумкин.

Шундай қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларимизнинг ҳукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда халқнинг кўмагига, фуқароларимизнинг фаоллигига таяниш лозим.

Бешинчи йўналиш билан алоқадор яна бир вазифа - марказий ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиётининг қуий тузилмалариға, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлариға ўтказа боришни таъминлашдир.

Президент Ислом Каримов “Кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотлариға ўтказа боришни тақозо этади”¹, деб таъкидлаганлари бежиз эмас.

Бундан ташқари маҳалла ижтимоий назорат шакли сифатида мамлакатда қабул қилинаётган қонун ва унинг нормаларини амалга оширувчи сифатида ҳам намоён бўлмоқда ва бу билан амалда “Кучли давлатдан - қучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини рўёбга чиқармоқда.

Олтинчи устувор йўналиш - фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда суд-ҳукуқ соҳаси ислоҳотларини янада изчил давом эттиришдан иборат. Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Бу соҳадаги энг муҳим вазифа суд-ҳукуқ идораларининг мустақиллиги ва таъсирчан

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш –Т.:Ўзбекистон, 2002. 45 б

фаолиятини сўзда эмас, амалда таъминлаш бўлмоғи зарур. Судлар том маънода мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг қатъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар¹.

Ҳақиқатан ҳам Конституциямизнинг 106-моддасида суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиш алоҳида таъкидланганига қарамай, судяларимиз бу муҳим мавқелардан тўла фойдаланмаётгани ва этарли даражада самарали фаолият юрита олмаётгани сир эмас.

Судяларнинг мустақиллигини таъминлашга ва уларга хуқуқий шароитлар яратиш йўлида Ўзбекистонда кейинги йилларда изчиллик билан амалга оширилаётгани, шубҳасиз, ижобий самаралар бермоқда. Жумладан, жиной жазоларни эркинлаштириш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини демократик такомиллаштириш, яъни иккига - фуқаролик ва жиной ишларни кўрувчи тизимга ўтганлиги бу жараённинг ициносиз барча босқичларида тарафларнинг ҳақиқий тенглиги ва ўзаро тортиша олиши учун яратилган шароит, айниқса, иқтисодиёт соҳасида содир этилган жиноятлар учун жазоларни сезиларли даражада энгиллаштириш имконининг юзага келгани, даъво аризалари ҳамда шикоятларни қабул қилиш, уларни қўриб чиқиши жараёнларини соддалаштирилгани фикримиз исботидир.

Шу нуқтаи назардан суд тизимини мустаҳкамлаш, уларнинг фақат қонунларга бўйсунишини кучайтириш борасида мутлақо янги демократик қадам қўйилди. Демак, мустақил суд ҳокимияти жазоловчи органдан, аввало, фуқаронинг ҳақ-хуқуқларини ҳимоя қилувчи идорага айланиб бормоқда.

Ислом Каримов суд ҳокимияти ислоҳотларида оммавий ахборот воситаларининг ролига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Ўзбекистонда суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилишдек, кенг миқёсли ўзгаришлар, аввало, ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоя

¹ Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чукурлаштириш –Т.:Ўзбекистон, 2002. 45 б

қиладиган қонун ва хуқуқий нормалар оммавий ахборот воситалари таништирилиб берилиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш, амалиётда ҳамон мавжуд хуқуқий нигилизм ҳамда хуқуқий инфантализм билан боғлиқ иллатларга қарши кескин кураш олиб бориш имконини бермоқда.

Еттинчи устувор мақсад - вазифа - ислоҳотларнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижаси бўлмиш инсон омили ва мезони.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган Ўзбекистон халқининг 8та конституциявий мақсади ҳаммаси бевосита инсон омили билан боғлиқдир.

Жумладан, “инсон хуқуқларига содиклик”, “ҳозирги ва келажак авлодлар олдидағи юксак масъулият”, “ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси”, “демократик ва ижтимоий адолатга садоқат”, “халқаро хуқуқни умумэътироф этилган қоидалари устунлигини”, “фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини...”, “тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш”, “инсонпарвар демократик хуқуқий давлат барпо этиш”.

Айни пайтда, Асосий Қонунда демократик жамият ва давлат фаолиятида ҳамма нарса инсон манфаати ва қадриятлари, унинг бурч-мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. Конституция ва амалдаги қонунларга кўра, инсон хуқуқлари ва эркинликлари хурмат қилинади, одамлар ўргасида муносабатларни маданийлаштириш ва шу билан демократик хуқуқий давлатнинг асосий вазифасидир. Одамларда демократия ва сиёсий плюрализм ғояларига садоқатни тарбиялаб, эркин сайловлару қонун устуворлиги асосида демократик жамият барпо этишга онгли сафарбарлик маданияти шаклланди. Бу, шубҳасиз, жамиятда тинчликни, хавфсизликни, адолат ва ҳамкорликнинг барқарорлигини таъминлайди, шахснинг ўзига ва давлатга ишончини мустаҳкамлайди. Адолатли фуқаролик жамияти ана шундай ишонч асосидагина шаклланди, хуқуқий давлат эса демократик тартибга эришади, демократик тараққиёт йўлидан изчил борища

мунтазамликни таъминлаб, қонунийликни айниқса, инсон шахси олий қадрият эканлигини амалда исбот қилади¹.

Инсон хуқуқлари ҳимоясига сафарбар ташкилотларнинг (Инсон хуқуқлари Маркази, Омбудсман институти) республикада самарали фаолиятлари айнан ана шу халқаро ҳужжатларга асосланаётгани, шубҳасиз, инсонийлик мезонлари талаблари қатъий амалда эканлигини кўрсатади.

Инсон шахсига қадр-қимматни, одамларнинг teng ва ажралмас хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мамлакатда олиб бораётган устувор сиёsat оқибати ўлароқ, жамиятда адолат тантана қилмоқда. Зотан, инсон омили ва мезони барча ислоҳотларнинг пировард натижаси бўлиб, у ҳамма нарса инсон учун, унинг баҳт-саодати учун, деган тсивилизатсияга асосланади. Бу мақсад Ўзбекистондек кўп миллатли ва кўп конфессияли давлатда демографик ва бўлак ҳусусиятларни инобатга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш, дегани. Бозор муносабатларига ўтиш жараёни ва босқичларида ҳар бир фуқаро - инсон ижтимоий кучли ҳимоя қилиниши миллий тараққиёт стратегияси - машхур беш тамойилнинг биттаси қилиб қўйилгани сабаби ана шу инсон омили - мезонида. Мустақил давлатимизнинг бу одил инсонпарвар демократик сиёsatи ўлароқ, ижимоий инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантириш, нафақа тўлаш тизимини такомиллаштириш, экологик, бошқа хавф-хатарлардан ҳалқни муҳофаза қилиш, шахсни мунтазам камол топтириш, фуқароларнинг ижтимоий талаб ҳамда эътиrozларини қондириш борасида аниқ ва амалий ишлар бажарилмоқда.¹

Зотан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган “барча ислоҳотларнинг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезони эканлигини, дейди И.А.Каримов. - Бу тамойилнинг маъно-мазмуни демографик ва бошқа миллий ҳусусиятларни ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёsat олиб бориш демакдир. Бу соҳадаги вазифалар: ижтимоий

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 289-б.

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 292 б.

инфратузилмани, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини яна ривожлантириш, нафақа билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш, аҳолини экологик ва бошқа хавф-ҳатардан муҳофаза этиш. Бу долзарб масалаларга давлатнинг эътиборини ҳар томонлама кучайтириш зарурияти фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми бўлган маънавият ва маърифат соҳасидаги, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб бориш зарурияти” бугунги кунда амалий давлат сиёсати даражасига кўтарилди, деса бўлади.

Юртбошимиз томонидан янги йилни инсон омили ва мезони, унинг манфаатлари билан боғлик “Оила йили”, “Аёллар йили”, “Соғлом авлод йили”, “Қарияларни қадрлаш йили”, “Обод маҳалла йили”, “Мехр-мурувват йили”, «Хомийлар ва шифоркорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» деб белгилаш анъанага айланди. Бунинг сиёсий, маънавий-маърифий аҳамияти шундан иборатки, йил давомида инсонга эътибор қаратилади ва унинг қадр-қиймати эъзозланади, одамларнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш, меҳр-оқибатни кучайтириш мақсадида кўпдан-кўп хайрли ишлар амалга оширилади.

“Барчамиз яхши биламизки, - деб таъкидлайди Ислом Каримов, - фуқаролик жамияти асосларини барпо этишнинг энг муҳим таркибий қисми маънавият ва маърифат соҳасида, шахсни мунтазам камол топтириш борасида узлуксиз иш олиб борищдан иборат.

Бу ҳаётий ҳақиқат, биз ҳамиша амал қиласиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланмоғи ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, одоб-ахлок, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

Мана шундай чинакам инсоний фазилатларга эга бўлган ёки эга бўлишга интилган одам демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Ва демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиш, инсон ҳақ-

хуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади”¹.

Комил инсон тарбияси Ислом Каримов дунёқараси ва тафаккурининг янги жамият барпо этиш борасидаги барча ғоя ва идеяларининг марказий муаммоси бўлиб келмоқда. Юртбошимиз ўзининг мустақилликнинг дастлабки йилларида яратилган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” номли асарида бу масалани аниқ ифодалаб берган эди. “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндиғина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг событқадам ғайрат-шижоатига, фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб олишлари керак”².

Юртбошимизнинг “Тарихий хотирасиз келажак йўқ”, асарида комил инсон шакллантириш муаммосининг долзарблиги янада ёрқинроқ ва асослироқ таърифланади. “Биз комил инсон тарбиясини, - дейди Президент, - давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда бу, аввало, онги юксак, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди, у ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади”¹.

Ислом Каримов комил инсон тарбиясида асосий эътиборни янги педагогик ва ахборот технологияларига асосланган таълимнинг узлуксизлигига, таълим сифатини, касб-корини ошириш билан боғлиқ масалаларга қаратиб шундай ёзади: “Юксак малакали мутахассислар - тараққиёт омили” асарида шундай ёзади: “Бирорни ўқитадиган, тарбия қиладиган инсон, аввало, ўзи ҳар жиҳатдан баркамол бўлмоғи шарт. Замон талаблари шуки, профессор ва ўқитувчилар ўзларида мавжуд билим ва савия

¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. - Т.: Шарқ, 2003, 294 б.

² Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли – Т.:Ўзбекистон, 1992

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.:Шарқ, 1998

билин чекланиб қолмасдан, хорижий мамлакатлар тажрибасини, биз энди бошлаган йўлни илгари босиб ўтган давлатлар тажрибасини қунт ва сабот билан ўрганиб, мағзини чақиб, ундан кейин ўз талабаларига сабоқ беришлари зарур”².

Умумий хулоса шуни, Ўзбекистон мустақил давлат сифатида тсивилизатсиялашган концитутсиявий демократик ҳуқуқий мақомига эга бўлиш учун қисқа давр ичидаги мустақиллик ғояларини шакллантиришдан уни амалга ошириш ва такомиллаштиришгача бўлган мураккаб тадриж босқичларни, янги жамият қурилишининг ўзига хос йўлини босиб ўтди. Бу йўл ижтимоий-иқтисодий ва реал муносабатларни, уларнинг маънавий-диний эътиқодлари, рухияти, менталитети ҳамда хулқ-атвор нормаларидан йўғрилган дунёқарашни инобатга олган ҳолда танланди.

Миллий рух, онг ва тафаккур, дунёқарashi, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий онги ўзгариши асносида рўй берадиган ўзгаришлар Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг ҳал қилувчи бош тақдироломон омилига айлананаётганлиги, шубҳасиз, ўз кутилган самараларини бермоқда.

2.2. И.А.Каримов асарларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш муаммоларининг акс эттирилиши.

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг кўпгина асарларида давлат ва ҳуқуқ масалаларига катта эътибор бериб ўтади. Жумладан, “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир”,-деб номланувчи асарида: “Биз яқин ўтмишимизда синфий ҳукмронликнинг қуроли сифатида давлат ҳақидаги марксча ғояларни шиор қилиб олиб, бу назарияни догма, давлат ва ҳуқуқни эса синфий кураш, синфий рақибларни енгиш воситасига айлантирган эдик. Демократия

² Уша жойда

шароитларида эса давлат ижтимоий қарама-қаршиликларни зўрлик ва бостириш йўли билан эмас, балки ижтимоий келишув, халқ таъбири билан айтганда, муросай мудора билан бартараф этиш воситасига айланади”¹, деб таъкидлаб ўтган.

Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов “Давлат тушунчаси, унинг маъно-моҳияти тубдан ўзгарди. У ислоҳотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга оширмоқда”² дейди. Шунингдек, “ислоҳотларнинг дастлабки босқичида давлатнинг фаол роли асосий ваколатлари, энг аввало, ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлишини тақазо этади. ...Шу билан бирга, ҳозирги шароитда Ўзбекистоннинг янги давлатчилигини мустаҳкамлаш учун жамиятнинг сиёсий институтлари тизимида давлатнинг ролини янада аниқроқ белгилаш керак. Бу энг аввало, миллий хавфсизлик асосларини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг барқарорлигини қатъий сиёсий ва иқтисодий тараққиётини сақлаб қолиш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этмоқда”², деб кўрсатади.

“Хуқуқий демократия қарор топар экан, унда республика аҳолисининг барча қатламлари манфаатлари, барча ижтимоий гурухларнинг миллий ва маданий ҳак-хуқуқлари муҳофаза этилади.”²

“Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл-очик эркин бозор иқтисодиётiga асосланадиган одил жамият, кучли демократик хуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма босқич олға бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. –Т.: Ўзбекистон, 1996. –Б.19-20.

² И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. –Т.: Ўзбекистон, 1997. –Б.107.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсақасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.159-161.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.15.

тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий қадриятларга асосланмоқда.”³

“Маълумки, биз ҳам иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, давлатимизни демократик давлат даражасига күтариш, тараққий топган мамлакатлар ва халқларнинг ҳаёт даражасига етказиб боришни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйғанмиз.”⁴

“Биз ўз давлатимизни қураётган эканмиз, қуидаги тамойилларга асосланамиш. Биринчи тамойил-аждодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш. Иккинчиси-буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш. Учинчиси-Ўзбекистон улкан ресурсларга эга. Фақат минерал-хомашё, фақат пахта эмас, фақат олтин ёки бошқа нарсалар эмас, яъни республика эга бўлган тўртинчи ресурс-улкан интелектуал ресурсдан иборат”.⁵ Биз танлаб олган тараққиёт йўли конституцион асосга эга. Бу йўл Ўзбекистондаги барча ахоли манфаатларига ҳар жиҳатдан мос тушади.

Айнан шундай йўл ўзбекистонликларнинг муносиб турмуш кечириши учун кафолат бўла олади, миллий анъаналар ва маданиятнинг қайта тикланишини таъминлайди.

“Мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқукий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қарор топтиришдек улуг орзу-умидлар билан яшар эканмиз, ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас”.¹

“Буюк давлат, буюк келажагимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айни пайтда ўзининг ўтмиши, улуг қадриятлари, миллати билан

³ И.А.Каримов Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. "Ўзбекистон" 1995 йил 3- бет.

⁴ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.249

⁵ И.А.Каримов. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. –Б.286-290.

¹ И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.260.

фаҳрланадиган ва келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак".²

Президентимизнинг юқоридаги фикрларидан хуқуқий демократик давлатни қуриш учун илм-фанни ривожлантириш, уларнинг хулосаларидан унумли фойдаланиш ва амалиётга жорий қилиш, таълим соҳасини мукаммалаштириш ва илғор техника ва технологиялардан фойдаланган холда комил инсонларни шакллантириш лозим, деган хулосага келиш мумкин.

"Пировард Мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган қучли демократик хуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат."³

Президентимиз И.А.Каримов асарларини, маъruzalарида, нутқларида миллий давлатчилигимизнинг ривожланишига тўсиқ бўлган асосий омиллар, уни бартараф этиш йўллари ва ривожлантириш истиқболлари ҳақидаги асосий ғояларни, йўналишларни кўрсатиб ўтган. У Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида: "Хозир биз бу йиллар мабойнида миллий давлатчиликка пойdevор қўйилганлигини ишонч билан айта оламиз. Эски маъмурий-буйруқбозлик тизими ва унга мос бўлган ҳокимият ва бошқарув органлари барҳам топтирилди. сиёсий ва иқтисодий бошқариш ҳамда тартибга солишнинг кўпгина тузилмалари ва органлари тугатилди. Улар маъмурий буйруқбозлик тизимининг, марказлаштирилган «режалаштақсимлаш» иқтисодиётининг устунлари эди. Улар демократик қадриялар ва тамойилларга йўналтирилган янги давлатчиликнинг қарор топиши ва эркин бозор иқтисодиётининг пойdevорларини яратиш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб келди.

1992 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши мамлакат ҳаётида улкан сиёсий воқеа, янги Ўзбекистонни

² И.А.Каримов. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.261.

³ И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш йўлида. "Ўзбекистон" 1995 йил 9- бет.

қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам бўлди. Ўзининг Асосий қонунида давлат тузуми принципларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамиятни ривожлантиришнинг иқтисодий негизлари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамлаб қўймаган давлат чинакам суверен давлат бўла олмайди. Конституция суверен давлатимизнинг қонунчилик-ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши бўлди.

Конституцияга мувофиқ, давлат ҳокимияти органларининг аввалги тоталитар тузимдан мутлақо фарқ қиласиган, ҳокимиятларнинг, яъни қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниши принципига асосланган тизими яратилди,”¹ деб кўрсатиб ўтган. Албатта ҳар бир давлат ҳуқуқий ва демократик тарзда шаклланиши учун ушбу ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилига амал қилиши лозим. “Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси,-дейди Президентимиз И..А.Каримов, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланишидир”². Шунингдек, Президентимиз И.А.Каримов ушбу фикрни давом эттириб “қонунийлик ва ҳуқуқ тартибот тантана қилмаса, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳурмат қилинмаса, ҳуқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди”, дейди.

Шунингдек, “давлатнинг моҳияти бутунлай, тубдан ўзгарди. Давлат дастлабки босқичда жамиятни янгилашнинг энг фаол кучига айлангани ҳолда, ислоҳотларнинг бош ташаббускори ва йўналтирувчиси, ижтимоий ҳаётдаги янги ғояларнинг асосий амалга оширувчиси бўлиб қолди.

Янги ўзбек давлатчилигини қарор топтиришнинг биринчи босқичидаги вазифалар бажарилиши Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ортиши ва

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.155.

¹ И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.125.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. Т.1. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.44-46.

мустаҳкамланишида, жаҳон ҳамжамиятидаги кўплаб мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатишида ва ривожлантиришда ўз ифодасини топади.

Ўзбекистон мустақил, суверен давлат сифатида энг обрўли ва нуфузли ҳалқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлди”³.

Албатта ҳар бир давлат ўзи якка ҳолда, бошқа давлатлар билан алоқасиз ривожлана олмайди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ҳорижий мамлакатлар ва ҳалқаро ташкилотлар билан мустаҳкам ва ўзаро манфаатли алоқани йўлга қўйишга киришди.

Маълумки, жаҳонда юз берётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар давлатга ҳам таъсир этмай қолмайди. “Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дархол акс садо беради. Биздан узок-узок минтақалар ва худудларда рўй берётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракатлар шунчалар тифиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.”, шунинг учун жаҳонда юз береётган ҳар бир воқеага ўз вақтида тегишли муносабат билдириш ва ундан хулоса чиқариш лозим. Ушбу хулосалар бошқалар томонидан қилинган хатони бизнинг давлатимиз томонидан такрорламаслик учун ўта муҳим ахамиятга эгадир.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги ҳуқуқий ислоҳотлар-мамлакатимизда демократик ўзгаришларни амалга ошириш- бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқук ва

³ И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўса|асида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.158.

эркинликларини таъминлаб бериш ва натижада демократик хуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилмоқда. “Демократиянинг асл моҳияти-инсон қадр-қиммати, ҳурмати ҳамма нарсадан улуғ, деган ақидадан иборат бўлмоғи лозим”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз. Ана шундай давлат ва жамиятни қуриш, ҳақиқий демократик қадриятларни вужудга келтириш-бизнинг бош концепциямиз ва миллий равнақимиз асосидир”, деган ғояни илгари сурган. “Мамлакатимизда адолат тамойиллари амал қилиши, барқарорлик ҳукм суриши учун уч субъектнинг, яъни давлат, жамият ва фуқароларнинг ўзаро муносабатларидаги қонунийлик асос бўлади. Бошқача айтганда, ана шу уч субъект-давлат, жамият ва инсон муносабатларида уйғунликка, уларнинг манфаатлари бир-бирига мос келишига эришилсагина, ота-боболаримиз орзу қилган адолатли жамият барпо бўлади.”

Шунингдек, И.А.Каримов демократик жамиятнинг тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтган. У бу ҳақда шундай дейди: “Маълумки, демократик жамиятнинг халқаро миқёсида эътироф этилган тамойиллари бор. Инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ҳамда уни амалга ошириши, озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши, барча фуқароларнинг тенг хуқуқлилиги, давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги, давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши, тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар шулар жумласига киради”².

“Демократик жамият - бу энг аввало, фуқаролик жамиятидир. Чинаккам демократиянинг олий мазмуни эса шахслараро, миллатлараро ,давлат ва

¹ И.А.Каримов. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т.5. -Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.148.

¹ И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.8.

ижтимоий-сиёсий муносабатларни уйғунлаштиришдан иборат. Бунда инсон ва жамият, жамият ва давлат ҳокимияти тинч-тотув яшайди".²

“Айни пайтда фуқаролик жамияти албатта ҳуқуқнинг олий даражадаги ривожини тақазо этади. Ўз навбатида бундан, ҳозирги замон фуқаролик жамияти ҳуқуқий жамият бўлади, деган хулоса келиб чиқади. Лекин республикамиздаги катта ҳуқуқий ўзгаришлар, ҳуқуқий ислоҳотлардаги ютуқларни қайд этган ҳолда ҳуқуқий тизимни такомиллаштиришнинг кейинги истиқболларини белгилаш ҳамда унинг устувор йўналишини аниқлаш ҳам муҳимдир”.²

“Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўп-кўп давлатлар асрлар давомида тўпланган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб етиб келган. Биз бундай жамиятни қуришни, барпо этишни орзу қилмоқдамиз ва шунга интилмоқдамиз. Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний қадриятларни ижодий ўрганиб, ўз заминимизга татбиқ этиш лозим. Шу билан бирга миллий ўзига хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша иймон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.”¹

Президентимиз ўз асарларида, маърузаларида фуқаролик жамияти тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтади. У Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари номли асарида “Биз учун фуқаролик жамияти-ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқук ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади”², дейди.

Шунингдек, И.А.Каримов Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз номли асарида “Фуқаролик жамияти бу-ўзини-ўзи бошқаришdir. Унинг

² И.А.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида Т.: Ўзбекистон 1995 262-бет.

¹ И.А.Каримов. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қўрмокдамиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.20.

² И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон, 1997. -Б.173.

биринчи ва асосий тамойили шу.”, “ўзини ўзи бошқариш органлари-бизнинг келажагимиз. Фуқаролик жамияти қурмоқчи эканмиз, унинг асосларини ташкил этувчи пойдевор мана шу органлар бўлади”³, деган гояларни илгари суради.

“Маърифатли дунёда “фуқаролар давлати” деб гапирилмайди. “Фуқаролар жамияти” дейилади. Давлат бошқа нарса, фуқаролар жамияти бошқа нарса. Бундай жамиятда давлат ташкилотларидан кўра жамоат ташкилотларининг қадри баландроқ туради. Куч ишлатувчи тузилмалар, вазирликлар, маҳаллий ҳокимият давлат ташкилотлари тизимиға киради.

Жамоат ташкилотлари эса фуқароларнинг ихтиёрий бирлашиши асосида ташкил топади. Биз бунга эришишга ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Шунинг учун ҳам бизнинг асосий мақсадимиз-бир киши ёки жамоат ташкилотларининг фикри давлат тузилмаларининг фикридан устунроқ бўладиган фуқаролар жамияти қуришдан иборат”,⁴ дейди.

Юқорида биз Президентимиз И.А.Каримовнинг демократик ҳукукий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш ҳақидаги фикрларини таҳлил қилиб чиқдик. Улардан қуидаги хулосаларга келиш мумкин.

Давлат қурилиши соҳасида қуидагилар асосий вазифалар ва тамойиллар бўлиб хисобланади:

- Давлат ислохотларнинг бош ташаббускори ҳамда уларни мувофиқлаштирувчи асосий куч бўлиши;
- Давлат бозор иқтисодий муносабатларига вазминлик билан, пухта ўйланган ҳолда, босқичма-босқич ўтишни амалга ошириш;
- давлатчиликни шакллантириш, ҳукукий демократик давлатни барпо этиш ва фуқаролар жамиятини қарор топтириш учун ижтимоий фанлар соҳасидаги илмий изланишлар ва уларнинг натижаларига алоҳида эътибор бериш;

³ И.А.Каримов. Ватан равнаки учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9.-Т.: Ўзбекистон, 2001. Б.317-322.

⁴ И.А.Каримов. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. -Т.: Ўзбекистон, 1996. -Б.80.

- аждодларимизнинг қадимий маданиятидаги барча улуғвор қадриятларни тиклаш;
- буюк меросимизни жаҳон цивилизациясининг барча ютуқлари билан бирлаштириш;
- қонунлар ва анъаналарни ҳурмат қилиш;
- **Бошқа давлатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш ва ривожлантириши.**

Демократик-фуқаролик жамият эса қуидагиларга асосланиши лозим:

- инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириши ва уни амалга ошириши;
- озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши;
- барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги;
- давлатнинг асосий органлари сайланиши, уларнинг сайловчилар олдида ҳисоб бериши;
- тайинлаш йўли билан шакллантириладиган давлат органларининг сайловчи ташкилотлар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.

Шундай қилиб Президентимизнинг асарларини, маъruzаларини, нутқларини тахлил қилиб чиқиш орқали ушбу асарларда, маъruzаларда, нутқларда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг деярли барча жабҳалари кўрсатиб берилганлигининг гувоҳи бўлдик.

ИИИ -БОБ. МАҲАЛЛА ДАВЛАТ БОШҚАРУВИНИНГ ДАСТЛАБКИ БЎҒИНИ СИФАТИДА.

1.1. Фуқаролик ўзини-ўзи бошқариш органларининг демократик тамойиллари.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг номарказлашуви натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (Фарбда «муниципал» дейилади) деганда, у ёки бу маъмурий-худудий бирликлардаги аҳоли ваколатларини ифодаловчи, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш тушунилади.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш назарияси дастлаб ХВИИИ асрнинг иккинчи ярмида Фарбий Европада пайдо бўлган. Унинг табиати ва жамиятдаги ўрни маҳаллий ҳокимиятлар ва ўзини ўзи бошқариш органларининг фуқаролар томонидан сайланиш принципи ғоялари билан боғлиқдир. Янги тарихнинг ilk даврида фуқаролар томонидан сайланадиган ўзини ўзи бошқариш органларининг мустақиллиги концепцияси, уларнинг қишлоқ жамоалари ва шаҳарлардаги ишларига раҳбарлик қилишда марказий ҳокимиятга ниватан алоҳидалик ҳамда бошқарувнинг мустақиллигига имконият яратади. Бу органларга давлат бошқаруви соҳасидан ташқаридағи алоҳида бир бўғим сифатида қараш русумга кирди.

1985 йил 15 октябрда Европа иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси» нинг З моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: «маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз маъсуллигида, маҳаллий аҳоли манбаатлари асосида, қонунлар доираси унинг давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариши ва уни реал уddyalай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, teng, тўғридан – тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар томонидан амалга оширилади. Кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисботлар бериб борувчи ижроия органларга эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғридан иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларга мурожат этишни истисно этмайди»¹.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркистон чоризм мустамлакаси даврида.- Т.:Шарқ, 2000.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105 моддасида ўзини ўзи бошқариш органларига қўйидаги ҳуқуқий таъриф берилган: «шаҳарча, қишлоқ, ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг еғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг тўғрисида» ги (янги таҳрири) қонуннинг 1 моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қўйидагича таърифланди: «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва мъявавий қадриятлардан урфодатлар ва анъаналардан келиб чиқсан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятдир»².

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, машҳур олим Алексис де Токвилининг талқинича, «шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам бекиёс омилидир»¹.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий инти тути сифатида йилдан йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек мазкур органларнинг бошқарув тизимидағи кўламиининг кенгайиб бориши билан ҳуқукий давлатнинг ўз ваколатларини

² www.pravo.uz

¹ www.lex.uz

демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг инкониятлар пайдо бўлмоқда.

«Маҳалла» арабча сўздан келиб чиқиб, «шаҳар ичидаги шаҳар» маъносини англатади. Тарихчи олим Наршаҳий «Бухоро тарихи» асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқарув услуби эканлигини ёзган эди. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий - худудий тузулма тарзида ҳам этироф этилган. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул – аброр» («яхши кишиларнинг ҳайратланиши») асарида қудаги банд учрайди: «Шаҳарлар отини маҳолот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳирий от этиб». Маҳалланинг «Шаҳар ичидаги шаҳарча» деган мазмуни юқоридаги ташвиҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳирий деб аталган Хирот шаҳри юзта кичик «шаҳарча» - маҳаллалардан ташкил топган экан.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган Америкалик олим Д.Карлайл қўйидагиларни ёзади: «оила ва дўст – ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Улар шахсий муносабатларнинг тамал тоши саналади. Улар «сулола» деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармок тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларга асосланган ҳамда насл наслаб принциплари билан митинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади. Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садоқат бутун бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтақани қамраб олар эди. Бундай анъанапарастлик шароитида кимнингдир тажрибаси шихсий мулоқотлар доирасида тасарруфидан ташқарига тез тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналари, маросимларида қатнишиши мумкин. Ранг –баранг оиласи – қаридошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам, кундалик турмушда тоши бор, лекин улар маҳалланики сингари тош боса олмайди»¹.

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркестон чоризм мустамлакаси даврида.- Т.:Шарқ, 2000.

Собиқ СССР даврида маҳалла институтининг мазмуни ва вазифалари бутунлай издан чиқкан эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг мақомини йўқотдилар. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партияning маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб – ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, оиласардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказища коммунистик партияning «кўз ва қулоги» бўлиб туриш кабилардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўқقا чиқарилади.

Ўзбекистонда мааллалар миллий мустақиллик даврига келибина, ўзини ўзи бошқариш органига айланади. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамланади. Мамлакатда шаҳарча, посёлка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳукуқий мақомини олдилар.

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик, маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний, хўжалик, ҳукуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Мустақиллик даврида маҳалланинг ташкилий, ижтимоий ва ҳукуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида чуқур ислоҳотлар амалга оширилди. Энг аввало, «маҳалла» атамаси тарихда биринчи марта Конституцияга киритилди. Унга ахолининг ўзини ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатидаги конституциявий ҳукуқий мақом берилди. 1992 йилда Ўзбекистон Президентининг «Республика «Махалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 1998 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-

кувватлаш ҳақида» ги, 1999 йилдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида» ги Фармонлари, шунингдек, кам таъминланган ва кўп болали оиласларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор фармон, қарорлар, қонунлар ва бошқа маъёрий ҳужжатлар эълон қилингандиги унинг исботидир.

Ҳозирги даврда маҳаллаларни ижтимоий мавқеини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар иккита йўналишни назарда тутади. Биринчиси, маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъанларни, қадриятларни қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси, сиёсий вазифа бўлиб, у Президент И.А.Каримовнинг маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш, шунингдек, вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари зиммасига юклangan кўпчилик вазифа ва ҳукуқларни фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, улар мақомини жой-жойига қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришишдан иборатdir.

Маҳалла фуқаролар йигини ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргалиқда ижтимоий ёрдам, кам таъминланган оиласлар ва ёлғиз кишиларга бегараз моддий ёрдам ажратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини ўзи мустақил равишда бажаради. Шу билан барга, маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларига жалб қилиш, маҳаллий аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунириш ва тарбиявий ишлар олиб боришга ҳам масъулдир. Албатта, бу қаби фаолиятлар фуқаролар фаоллигини ошириш воситасида амалга оширилмоқда.

Ҳукукий демократик давлатда сайлов қонунлари ва уни ўтказиш муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг ёрқин исботини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш ҳам истисно эмас. 2001 йил май –

июнъ ойларида мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари-маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинларига ўтказилган сайлов бу соҳа раҳбарларининг етук кадрлар ҳисобига сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2001 йил 12 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасидаги юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раис ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлик танлаш мақсади қўйилди.

Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги оқсоқоллар сайлови миллионлаб фуқароларни бефарқ қолдирмади. Барча сайловчилардан фаол иштирок, ўз нуқтаи назарини ифода этишга интилишлар очик сезилиб турди. Мамлакатдаги ўзини ўзи бошқариш органларининг 9627 та (қишлоқ, овул, шаҳарча, маҳалла) йиғинлари раислигига жамоатчи ишчи гурухлари томонидан тавсия этилган 22 минг нафардан ортиқ номзод орасидан танлаб олиниши сайловларнинг муқобиллик асосида ўтишига ва фуқаролар йиғинлари раислигига муносиб номзодларни сайланишига инкон яратди.¹

Ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар натижаси шуни кўрсатдики, бу сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик бағищлади ва ўзига хос демократия мактаби вазифасини ҳам ўтади.

Маҳаллаларнинг демократик жамиятнинг асоси сифатидаги ўрни йилдан-йилга юксалиб, маҳалла аҳлиниң ижтимоий фикри тобора демократлашиб бормоқда. Янги аср бошига келиб, ҳар бир оила, маҳаллада яшаётган фуқаро ўз ҳаётини ва тақдирини маҳалласиз тасаввур қила олмайди. Республика «ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2003 йил январда ўтказган соцологик сўровномаларда «маҳалла

¹ Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1 китоб. Туркистон чоризм мустамлакаси даврида.- Т.:Шарқ, 2000.

оиладаги икки муаммоларни ҳал қила оладими?» деган савол берилган эди. Унда сўралган фуқароларнинг 63,1 фоизи ижобий жавоб бердилар. Шу билан бирга, сўралганларнинг 82,5 фоизи маҳалла йиғинининг қўни-қўшнилар ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишига, 84,4 фоизи эса тўй, марака, дафн ва бошқа маросимларни ташкил эта олишига ишонади. Кўриниб турибдики, маҳалла фуқароларнинг бирламчи ҳаётиё эҳтиёжларининг ифодачисига айланиб бормоқда².

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «обод маҳалла йили» дастурини (2003 йил 7-феврал) ҳаётда амалга ошириш натижасида барча маҳаллаларда улкан ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик даврида ўзини ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида илоҳ этиш ўзининг самарасини берди. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолини ўзини ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги даврга келиб давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилаларни аниқлаш каби ваколатлари ҳам деярли маҳаллаларга берилган. Шу билан бирга, маҳаллалардаги тинч ва осайишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўриш, етимлар ва ёлғизлар қолган фуқароларга меҳр-муравват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда. Лекин шу билан бирга ўзини ўзи бошқариш органларини демократлаштириш жараёнлари ҳали давом этади. Айниқса аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда маҳаллаларнинг ўрнини юксалтириш, маҳаллаларни давлат ҳокимияти

² www.fikr.uz

органларида тўла мустақил бўлишини таъминлайдиган ҳукукий маҳанизмлар яратиш, фуқароларни маҳаллалар васитасида қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидағи умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш яқин ислоҳотларнинг асосий вазифасидир.

3.2. Маҳалла - ўзини ўзи бошқарув тизимининг муҳим ижтимоий органи.

Тарихий манбаларда қайд етилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополлитепапя 8 та оила яшаган. Уларни фақат уруғ жамоасигина емас, балки и.ч. манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оилалар келиб қўшилган. Катта оилалар жамоасини улар орасидан сайланган оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар ўз навбатида олий оқсоқоллар кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда, жамоа — қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилишган. Мил. ав. 3-а.дан мил. 5-а.нинг бошларигача Фарғона (Паркан) давлатида ҳам оқсоқоллар кенгаши муҳим вази-фаларни ҳал етган. Кенгаш, асосан, сулҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқларни тайинлаш, уруш еълон қилиш, жамоа ишларига сафарбар етиш каби масалалар билан шуғулланган.

Азалдан ўзбек маҳаллалари чинакам миллий қадриятлар маскани бўлиб келган. Ўзаро меҳр – оқибат, аҳиллик ва тотувлик, эҳтиёжманд, ёрдамга мухтоҷ кимсалар ҳолидан хабар олиш, етим – есирларнинг бошини силаш, тўй – томоша, ҳашар ва маъракаларни кўпчилик билан бамаслаҳат ўтказиш, яхши кунда ҳам, ёмон кунда ҳам бирга бўлиш каби халқимизга хос урф – одат ва анъаналар авваламбор маҳалла муҳитида шаклланган ва ривожланган. Халқимизга хос ўзини ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим – қадимдан одамларнинг нафақат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жой эгаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она”

деган ҳикматли нақлни ана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиласиз.

Мухтарам Президентимиз Ислом Каримов, боя эслаганимиз, “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарларининг биринчи бобидаги “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар” деб номланган фаслида маҳалла бошқаруви, унинг маънавиятимизни шакллантиришдаги ўзига хос ўрни ва мавқеига алоҳида тўхталиб ўтадилар.

Бу асада маҳалланинг азалдан миллий қадриятлар маскани бўлиб келгани айтилиб, жумладан, шундай ёзилади: “Халқимизга хос ўзини-ўзи бошқариш тизимининг бу ноёб усули қадим-қадимдан одамларнинг нафакат тилида, балки дилида, бутун ҳаётида чуқур жоегаллагани бежиз эмас. Биз “Маҳалла – ҳамота, ҳамона” деган ҳикматли нақлни анашу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси сифатида қабул қиласиз”¹

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнлари бошқарув тизими мунтазам шакллантириш ва такомиллаштириб боришни ўзининг миллий қадриятларига ва давлатчилиги тарихида шаклланган анъаналарига таяниб иш кўришни тақозо этмоқда. Зеро, ўтиш давридаги вазиятни тўғри баҳолаган мамлакатимиз раҳбарияти, замон руҳига мослашувчи илғор мамлакатларнинг ютуқлари билан тарихий меросимизни уйғунлаштириш асносида миллий бошқарув тизимлари пойдеворини мустаҳкамлаб бормоқда.

Бу аснода ўзини ўзи бошқарув тизимининг миллий ифодаси ва Ўзбекистондаги ижтимоий ҳаёт тарзининг маҳаллий кўринишдаги шакли маҳалланинг ҳам ўрни бекиёсdir. Бозор иқтисодиётiga ва умуминсоний тамойилларга асосланган ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёнида, маҳалла жамиятнинг асосий таянчи бўлиб қолиши табиийdir. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чакириқ ўн тўртинчи

¹ Islom Karimov. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. Toshkent: “Ma'naviyat” nashriyoti, 2008. 122-bet.

сессиясидаги маърузасида Президент И. Каримов: «Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бажарадиган вазифалар доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич топшириш лозим. Бунда энг муҳими, аҳолининг касб ва ижтимоий таркиби манфаатларини янада тўлароқ ифодалаш ва ҳимоя қилишда нодавлат, жамоат тузилмаларининг ҳуқуқ ва мавқеъларини ошириш даркор. «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилиш дастурининг моҳияти ана шунда яққол намоён бўлади. Айнан шундай ёндашув фуқароларнинг ўзларига ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда кенг иштирок этиш учун имконият яратади»¹ - деб алоҳида кўрсатиб ўтди.

Шу боисдан, Ўзбекистонда жамият қурилиши тизимини мустаҳкам пойдеворини яратишда маҳалланинг ўрни катта эканлигини ва ўзини ўзи бошқарув органларининг бошқарув тузилмасини бугунги кун талаблари рухида ўрганиб унинг назарий ҳамда амалий аҳамиятларини социологик жиҳатдан ёритиш муҳим илмий аҳамиятга эгадир.

Маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органлари таркибини фуқаролар ийғинлари, хусусан маҳаллалар ташкил этади. Жамиятда ўзини ўзи бошқарув тизимининг муҳим органи бўлган маҳалла - бу ҳудудий, касбий, турли ёшга оид ва бошқа шу каби турли хил ижтимоий гуруҳлардан ташкил топган ижтимоий тизимdir. У мана шу ижтимоий гуруҳларнинг қизиқиши ва иродасини ўзида мужассамлаштириб, уларни ижтимоий ҳаётга жорий қилувчи умумий ҳамда алоҳида ҳолатларни намоён қиласида.

Бугунги кундаги ўзини ўзи бошқарув тизимининг тараққий этиб бориши - демократик жамият тараққиётининг асосий йўналишларидан биридир. Чунки ўзини ўзи бошқарув тизими ижтимоий тизим сифатида кишиларнинг турли хил фаолиятларини, улардаги ташаббускорликни ва таклифларни инобатта олган ҳолда қонун доирасида уларнинг тезда амалга

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда// Ўзбекистон овози. 1999 йил 15 апрель 28-29 б.

ошишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 101-моддасида шундай дейилади: «Маҳаллий ҳокимият органлари, Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Президент фармонларини, давлат ҳокимиияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, халқ депутатлари қўйи Кенгашлари фаолиятига раҳбарлик қиласидилар, Республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар»¹.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, жамият ичидаги кичик жамият номини олган - **маҳалла** тизимини равнақ топтириш, унинг ўзига ҳос миллий бошқарув шаклини ишлаб чиқиши, Ўзбекистон халқининг ижтимоий муаммоларини ўрганиб, унга амалий ёрдам берувчи жамиятнинг ижтимоий бир бўлаги ҳисобланмиш ушбу тизимни маҳсус ҳайрия жамғармасини тузиш тўғрисида фармон қабул қилинди.

Маҳалланинг маънавий ҳолати тўғрисида фикр юритилар экан, албатта, унинг бошқарув тизимида муҳим аҳамият касб этган субъект тушунчасига эътибор қаратишлик илмий мазмун касб этади. Маҳалла субъектининг ўзига ҳос хусусиятини ундаги бошқарув функцияси бажаради. Чунки айнан шу функция орқали маҳалланинг самарали иш фаолияти намоён бўлади.

Ҳар бир маҳалла ўзига ҳос географик жойлашувга, ўзига ҳос турмуш тарзига эга бўлганлигидан келиб чиқиб, бу муқим маконда истиқомат қилаётган аҳолининг турли миллатга ёки бир миллатга мансублигига асосланиб, ҳар бир маҳалланинг ўз ижтимоий-иктисодий ривожланиши дастурини яратиш мақсадга мувофиқ. Маҳалла бугун фуқароларнинг мустақил фаолиятини, уларни жамиятнинг турли доиралардаги ижтимоий муносабатларини, давлат ва жамият бошқарув структурасини ташкил этишдаги ҳамда ижтимоий жамоаларнинг ҳаёт фаолиятини таъминловчи ва шу билан биргаликда ўз аъзоларини ижтимоий ҳаёт олдига қўйилган саволларга жавоб беришдаги иштирокини белгилайди. Кузатишлар ва олиб

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.- Т.:Ўзбекистон, 2012. 35-б.

борилган тадқиқотлар асосида Ўзбекистон ҳудудида маҳаллаларни қуидаги тўртта асосий қисмга ажратиш мумкин:

- 1) Шаҳарлардаги анъанавий маҳаллалар,
- 2) Шаҳарлардаги квартал маҳаллалар,
- 3) Шаҳарчалардаги маҳаллалар,
- 4) Қишлоқ маҳаллалари.

Маҳалланинг бугунги кундаги ижтимоий ҳолатига эътибор қаратиладиган бўлса, унда қуидагиларни кузатиш мумкин: **биринчидан**, оила муҳофазаси, **иккинчидан**, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва тозалик, **учинчидан**, ижтимоий ҳимояда фаол иштирок этиш, **тўртинчидан**, маънавият ва ижтимоий ҳукуқни шакллантириш, **бешинчидан**, сиёсий фаолликни ошириш ва ҳоказо. Лекин, биз ўйлаймизки ҳали ҳамон бу муаммолар ва жараёнлар чуқур ўрганилмаган, уларга етарлича аҳамият берилмаган. Ҳолбуки, шундай экан олдинда ушбу фаолиятлар бўйича қилинадиган амалий ишлар ҳали беҳисоб ва улар ўз ечимини кутиб ётиди.

Сорокин шунга ўхшаш ҳолатларни биологик таъсирланиш жараёни деб баҳолайди. Унинг фикрича, «Инсон ижтимоий организм бўлиб, табиатдаги барча тирик организм сингари яшаш учун муҳим бўлган барча шароитларга эҳтиёж сезади»¹. Ҳукумат томонидан маҳаллага эътибор кучайтирилаётганлигининг асосий сабабларидан бири - ижтимоий алоқадорликни шакллантирувчи ва кишиларни ижтимоий гуруҳ сифатида боғловчи жараёнларнинг мавжудлигидир. Бу жараёнлар а) *индивидуалар*, б) *муносабатлар*, в) *ташаббускорлик* бўлиб, ушбу ҳолатларнинг мавжудлиги кишиларни бир-бири билан ўзаро муносабатда ва алоқадорликда ҳамда жамоавий бирлиқда бўлишига имконият яратади. Бу ҳолатлар тезлик билан амалга ошиши учун улар бир-бири билан ёнма-ён яшамоги ва уларни ўзаро муносабатга тортувчи сабаблар шакллантирилиши керак. Чунки ана шу

2. Сиддиков Р.Р. Представительные органы и непосредственная демократия в системе местного самоуправления.- Т., «Университет», 1993. 88-б.

сабаблар уларни ўзаро жипслаштириши ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишини таъминлайди.

Қадимги юононлар демократия терминини ишлаб чиққанларида, табиий-ижтимоий жараёнга эътиборни қаратган эдилар, яъни кишилар ўзлари яшаётган жойга хос бўлган имкониятларни яратадилар. Демак, демократия - бу халқ ҳокимиюти ёки халқ бошқаруви сифатида оммани турли табақалари ижтимоий фаоллигини тақозо этади. ўз-ўзидан равшанки, халқ иштирок этадиган ва ўз ижтимоий моҳиятини мумкин қадар тўла намоён эта оладиган халқчил тизим – бу ўзини ўзи бошқарув тизимиdir. Халқ бошқарув тизимида фаол иштирок этар экан, у ўзининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириб боради, демак у жамиятнинг маънавий ва ижтимоий ҳаётига кириб боради ҳамда тобора уни жамият тараққиёти ва равнақи ўйлантириб қўяди.

Шахснинг ижтимоий муносабатларга киришиши йиҚилиб қолган ижтимоий муаммолар ҳамда ҳар хил воқеликлар ва тафсилотлар тўғрисида ҳукм юритиш ёки хулоса чиқариш имкониятини беради. Бу ҳолат ўз навбатида фуқароларнинг сиёсий фаоллик ролини ортиб бориши учун замин хизматини бажаради. Кузатишлар шуни кўрсатади, яъни маҳалла муносабатларида барча қатламлардаги кишиларнинг иштирок этиши бир текис ҳолатда кечади. Бу эса жамиятда ўрта қатлам муносабатларини шаклланишига ёрдам беради. Бир-бирлари билан ўзаро ижтимоий муносабатларга киришиш оқибатида маҳалланинг одамлар ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан уйғунлиги кўп жиҳатдан жамиятда демократик жараёнларни чукурлаштириш имкониятини янада тезлаштиради.

Одамларнинг ҳатти-ҳаракати, воқеликка ва ҳар қандай янгиликка нисбатан муносабати, энг аввало юксак ахлоқ-одоб, шарқона вазминлик, отабоболаримизга хос мулоҳазамандлик, қийин ва мураккаб вазиятларда шахсий манфаатлардан умумдавлат ва умумхалқ манфаатларини устун қўйиш, жамоа учун яшаш каби инсоний фазилатларга қаратилган. Бу ва шунга ўхшаган

миллий қадриятлар жамиятдаги оқилона сиёсат туфайли умуминсоний қадриятлар даражасига кўтарилимоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳриридаги қонуннинг 6-моддасида айтилганидек, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принциплари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам»¹. - деб белгиланган. Айтиш мумкинки, Ўзбекистонда амалга оширилаётган маҳалла демократияси, унинг халқ ҳаётига яқинлиги, аҳоли турмуш тарзи ва кундалик ҳаёти билан ўйғунлиги сабабли кундалик ҳаёт тарзимизда қайтадан қарор топаётган бошқарув тизими сифатида ўз ифодасини топмоқда.

Жамият тараққиётидаги ҳар қандай ўзгаришлар, янгиликлар, айниқса инсоният ривожига катта туртки берадиган жараёнлар, кашфиётлар ўз-ўзидан юз бермайди. Бунинг учун аввало асрий анъаналар, тегишли шарт-шароит, тафаккур мактаби, маданий-маънавий муҳит мавжуд бўйлмоғи керак. Ўзбекистон Республикасининг асосий куч-кудратини манбаи - бу халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содик қолганлигидир. Ўзбекистондаги ана шундай умуминсоний қадриятлар сарчашмаларидан бири маҳалла тизими эканлиги тўғрисида юқорида тўхталиб ўтган эдик. Унинг нуфузини ошириш, ижтимоий, сиёсий, тарбиявий, улкан маънавий масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Президент И. Каримов «Туркистон» газетаси муҳбирининг берган саволларига - «Маҳалла, таъбир жоиз бўлса, кишилик жамиятида алоҳида тарбиявий аҳамиятга молик бўлган ўзига хос маскандир дейиш мумкин. Бу ноёб тажриба аҳолининг маҳалла бўлиб яшаш тарзи жаҳоннинг бошқа мамлақатларида кам учрайди. Шунинг учун ҳам инсонни жамият билан бирга яшашга ўргатадиган, шу руҳда тарбиялайдиган

¹ “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Конунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.3-б

бирламчи ва бекиёс макон-бу маҳалладир»,¹ - деб жавоб қайтаришида, ушбу тизимнинг оммабоп жараёнга айлантириш айни муддао эканлиги тўғрисидаги гоя деб ифодаласа бўлади.

Мустақил Ўзбекистон танлаган тараққиётнинг “ўзбек модели” иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, хуқуқий, маънавий, маърифий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг жамият ва давлат бошқарувидаги ролини кучайтириш мақсадига қаратилган “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этишни кўзда тутади.

Демократик қадриятлар, инсон хуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариш, уларнинг социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий фаоллиги, хуқуқий онги ва маданиятини ошириш, жамиятдаги турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга даъват этилган кучли ва очик фуқаролик институтлари орасида маҳалланинг алоҳида ўрни ва нуфузи бор.

Маҳалла — халқимизга хос ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими. Истиқлол йилларидагина у Президентимиз Ислом Каримов таърифи билан айтганда, “таъсирчан ижтимоий фуқаролик идораси”, “ҳақиқий демократия дарсхонаси”га айланди. Давлатчилигимиз тарихида биринчи марта “маҳалла” тушунчаси мамлакатимиз Конституциясига киритилиб, жамият бошқарувидаги ўрни ва конституциявий мақоми қатъий белгилаб қўйилди.

Маҳалла институтининг тикланиши ва ривожлантирилиши миллий ва умуминсоний қадриятлар — яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтоҷ одамларга ғамхўрлик қилиш, ёшларни ватанпарварлик, жамият олдидаги ўз бурчи ва жавобгарлигини теран англаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Маҳалла, том маънода, “халқ вижданни”га айланиб, озод ва обод Вatan барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлашга

¹ Калонов К. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ролининг ошиб боришида маҳалла тизими ва унинг интеграцион фаолияти. || Ўзбекистонда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари. Т.: «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, 2003.47-б.

йўналтирилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда мустаҳкам таянч бўляяпти.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органи фаолият юритаётир. Улар илгари давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ваколатида бўлган ижтимоий-иқтисодий хусусиятга эга 30 дан ортиқ вазифани бажармоқда.¹

Ўзбекистонда аҳолини, айниқса, унинг ёрдамга муҳтож қисмини маҳалла орқали ижтимоий ҳимоя қилишнинг ноёб амалиёти тобора такомиллашиб бораяпти. Кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар, ногирон ва етимларга моддий қўмак бериш, уларни моддий қўллаб-кувватлаш маҳалла орқали аниқ мақсадга йўналтирилган тарзда амалга оширилмоқда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари хайрли ишлари фуқаролар уйларини таъмирлаш, кам таъминланган оилаларга қорамоллар ажратиш, уларнинг фарзандлари учун ёзги дам олишни ташкил этиш, тўйларини ўtkазишда ҳам намоён бўлмоқда.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда Юртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ўрни ва аҳамияти тобора ортмоқда. Ҳозирги вақтда жамғарма таркибида 14 ҳудудий бўлим, 196 туман ва шаҳар бўлинмалари фаолият кўrsатаяпти. Улар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш билан бирга, бозор иқтисодиёти шароитларида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий-маърифий ривожлантиришга салмоқли ҳиссаларини қўшмоқдалар. “Маҳалла” хайрия жамғармаси ташаббуси билан умумхалқ ҳашарлари ўтказилмоқда, маҳаллаларни ободонлаштириш, фуқаролар йигинлари марказларини қуриш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилаётир. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлариiga қатта амалий ёрдам кўrsатаяпти. Жумладан, 3600 дан ортиқ фуқаролар йигинлари замонавий компьютерлар, мебель ва зарур инвентарлар билан жиҳозланди. Маҳаллалар фаолиятини қўллаб-кувватлаш, ҳудудларни ободонлаштириш учун 4 миллиард сўмдан ортиқ маблағ

¹ Халқ сўзи, 2006 йил 16 март

йўналтирилди¹.

Маҳаллалар ёшларни истиқлол ғоялари руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ислоҳотлар моҳияти ва аҳамиятини тушунтириш, уларни турли заарли оқимлар таъсиридан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, болалар ва ёшларни спорт билан шуғулланишга жалб этишга муносаб ҳисса қўшмоқдалар. Осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашда маҳаллаларда ташкил этилган “Маҳалла посбони” жамоат тузилмалари фаолиятининг ҳам аҳамияти ортмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин ижтимоий ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этаётганлиги ҳисобга олинган ҳолда, амалдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунларга тегишли ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилиши белгиланган. Фикримизча, бу қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида фуқаролар йиғинларининг роли ва мавқеини кучайтириш, уларнинг ваколатлари ва ҳуқуқларини янада кенгайтириш, шунингдек, ушбу тузилмалар раҳбарларининг масъулиятини ошириш, айни чоғда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов тизимини такомиллаштириш ҳамда янада демократлаштириш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан аҳолининг ёрдамга муҳтоҷ қатламини қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ҳамда

¹ Халқ сўзи, 2006 йил 16 март

унинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гурухларини шакллантиришни фақат фуқаролар йиғинининг (вакиллар йиғилишининг) қарори билан амалга оширишни белгилаб қўйиш ўринлидир. Қолаверса, сайловнинг ташкил этилиши ҳамда ўтказилиши учун масъул бўлган органларнинг ваколатларини янада аниқроқ белгилаш ва чегаралаб қўйиш, жумладан, ишчи гурухларига фуқароларнинг вакилларини сайлаш бўйича турагжойлар, кўчалар, маҳаллалар аҳолисининг умумий йиғилишини ташкил этиш ҳамда ўтказиш ваколатини бериш, фуқаролар йиғинига (фуқаролар вакилларининг йиғилишига) фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари лавозимиға тавсия этиладиган номзодларини кўрсатиш ваколатини бериш айни муддаодир. Шунингдек, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказиш жараёнининг муддатларини қонунчилик тартибида белгилаб қўйиш талаб этилади.

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармасининг Ҳаракат режасида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва онгини ошириш, жамиятни маънавий-ахлоқий ривожлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу қонун ҳужжатлари, умумдавлат ва ҳудудий дастурларнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назорати тизимида фуқаролар йиғинларининг ролини янада оширишда ҳам ўз ифодасини топди.

Ҳақиқатан ҳам, ҳалқимизнинг ҳикматли нақлига кўра, “Маҳалла — ҳам ота, ҳам она”. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллалардаги эҳтиёжманд оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, ёш оилаларга ҳар томонлама ёрдам бериш, ёшларнинг дунёқарashi ва тафакқурини кенгайтириш, улар тарбияси масъулиятини ҳам зиммаларига олишлари жуда муҳимдир.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш билан боғлиқ ўтказилаётган туб ислоҳотлар ҳақида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобида шундай дейди: «Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу бизнинг эзгу орзумиздир, стратегиямиздир. Миллий тикланиш ҳамда ривожланиш умумий мафкурасининг ва кенг қамровли дастурининг моҳияти шундадир»¹.

Бинобарин, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш томон қўйилаётган қадамлар қанчалик тез ва шахдам бўлса эркин фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланишига ҳалақит берадиган тўсиқлар тезроқ олиб ташланишига имкон туғилади.

Демократик ҳуқуқий давлатда фуқаролар қонунларга муносабатини ўзгартиради. Конунга хурматсизликнинг тугатилиши, барча соҳаларда қонун устуворлигини таъминлаш шаклланаётган фуқаролик жамияти барча цруктуралари ишини такомиллаштиришга олиб келиши муқаррардир.

Бозорнинг иқтисодий муносабатлари, сиёсий ислоҳотлар, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, плюрализм, кўп partiya вийлик, фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва шунга ўхшаш тушунчалар, фақат бир атама бўлмасдан, балки ривожланиш йўлидаги конкрет вазифалардир. Бу вазифалар ичида фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши алоҳида ўринни эгаллайди.

Тараққиётнинг бугунги босқичи ҳақида ўйлаганда АҚШ, Англия, Франция каби ривожланган мамлакатларда ташкил топган ва ривожланаётган фуқаролик жамиятининг тажрибаси эътиборга лойиқдир.

Ҳозирги ривожланган давлатлар тажрибаси бизга фуқаролик жамиятини ташкил этиш ҳақидаги қўйидаги хulosаларни беради:

— ҳар бир мамлакатда фуқаролик жамиятига асос бўла оладиган кучли иқтисодий қудратга эга бўлган халқ хўжалигини яратишга эришиш;

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида – Т.:Ўзбекистон,1995

— сиёсий ва носиёсий соҳаларда чинакам демократик принципларнинг чуқур илдиз отишига йўл очиш ва имкон яратиш;

— демократик Конституция асосида халқ манфаатлари ва жамият эҳтиёжларини ўйлаб ишлаб чиқилган давлат сиёсатини амалга оширишга қодир бўлган ҳокимиятга эга бўлиш;

— цензура билан чекланмаган эркин матбуот бўлиши, яъни кенг информацион муҳит яратишга йўл очиш;

— кучли муҳолифат бўлишига қарамай унинг фаолиятини чегараламаслик, балки у билан сиёsat бобида мулоқотда бўлиш.

Бу хуносалар асосида фуқаролик жамиятининг таърифи ўз-ўзидан келиб чиқади. Ҳар бир фуқаронинг ёши ва жинсига қараб табиий имкониятларини тўлиқ намоён этишга ва ундан тўла фойдалана олишга шароит яратиб бера оладиган жамият фуқаролик жамияти деб аталади.

Биринчидан, фуқаролик жамиятида ҳар бир фуқаро ўзининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги қобилият ва имкониятларидан тўла фойдаланиши керак. Иқтисодий имкониятлар натижасида фуқаро ўз оиласи фаровон турмуш даражасини таъминласа, сиёсий қобилиятдан фойдаланиб давлат бошқаруви жабҳаларида фаол қатнашади.

Иккинчидан, эркинлик тўғрисида гап борар экан, шуни таъкидлаш керакки, эркинлик фуқаролик жамиятининг энг долзарб муаммосидир. Эркинликни қуруқ ваъзхонлик билан амалга ошириб бўлмайди. Бунинг учун энг аввало, моддий имконият зарур. Бошқача айтганда, моддий эркинликсиз маънавий эркинликка эришиб бўлмайди. Давлатга моддий қарамлик сақланиб қолар экан, қанчалик ҳуқуқий хужжатлар бўлмасин, фуқаро эркин фаолият юргиза олмайди.

Учинчидан, Ўзбекистон мисолида гапирадиган бўлсак, табиийки, янги жамият барча соҳалардаги ишларни ҳали мустақил ҳал қила олмайди. Шунинг учун давлат жамият ишларининг ҳам асосий қисмини ўз зиммасига олади. Бу ҳаётий талаб — мамлакатимизда амалга оширилаётган беш тамойилнинг бири — давлат бош ислоҳотчи бўлишида ўз ифодасини топади.

Шундай қилиб, давлат нафақат ўз вазифасини, балки жамият хизматини ҳам бажармоқда. Мустақилликка эришган мамлакатларнинг иқтисоди, ижтимоий тизими, сиёсий салоҳияти, маънавияти ривожланган сари, ҳалқ оммасининг барча соҳалардаги маданияти ўсгани сари аса-секин шароит этилиши билан мулқдорлар ва сармоядорлар синфи ривожланади. Бу эса фуқаролик жамиятининг ривожига олиб келади.

Тўртинчидан, ривожланиш борасидаги машхур беш тамойилнинг бирида иқтисодиётни сиёsatдан устуворлиги таъкидлаб ўтилади. Иқтисодиётга катта ургу беришнинг чуқур маъноси бор. Ўзбекистоннинг келажакда буюк мамлакат бўлиши учун асосий муаммолардан бири — ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқаришни аҳолини жон бошига камида 15-20 минг АКШ долларига этказиш ҳам фарз, ҳам қарзdir. Бу — мўл-кўлчилик яратиш деган гап. Бундай кўрсаткичга этиш учун, Ўзбекистон иқтисодини кўп марта ўстириш керак бўлади. Бунга эришиш фуқаролик жамиятини барпо қилишдаги ҳал қилувчи омилdir.

Бешинчидан, ўсишнинг ўзи одамларнинг мулкка бўлган муносабатларини кескин ўзгаришни тақозо қиласди. Биз учун бу ўринда ривожланган мамлакатларда шаклланган ижтимоий-синфий муносабатларни ҳам ўрганиш зарур бўлади. Ривожланган давлатларда асосан уч синф ташкил топган — бойлар, ўрта мулқдорлар ва камбағаллар синфлари. Республикаиз мустақилликка эришганидан сўнг энг катта ўзгаришлардан бири шу бўлдики, мулқдорлар ва сармоядорлар синфи шакллана бошлади. Эндиликда ишбилармон, тадбиркор, ғайратли кишиларга кенг йўл очилди. Улар ҳузур-ҳаловатини бузиб ўzlари учун ҳам, давлатимиз учун ҳам бойлик орттиришга вижданан меҳнат қиласиган синф бўлиб шаклланмоқда. Давлат улар учун зарур имкониятлар яратиб барча йўллар билан қўллаб-қувватламоқда ва рағбатламоқда. Бу синф вакиллари қанча кўпайса иқтисодий тараққиётимиз одимлари тезлашади ва кишиларимиз турмушига файз-барака киради. Ҳаётда бойларимиз сони ўсгани сари уларнинг фуқаролик жамиятининг шаклланишида, ижтимоий ҳаётимизда ҳиссалари ўсиб бормоқда.

Олтинчидан, мулқорлар ва сармоядорларимиз қураётган (айниқса чет эл компаниялари билан бирга) корхона ва устахоналар, савдо ва майший хизмат қўрсатиш тармоқлари фуқаролар учун янги иш жойлари бўлиб, одамларнинг тинч, фаровон ҳаётини таъминлаш билан уларнинг жамият ишларига фаол қатнашишларига кенг шароит яратади.

Еттинчидан, мулқорлик манбаи ақл-заковатга асосланган ҳалол меҳнатдир. Ўз лаёқати ва меҳнати билан бойлик орттираётган кишиларни халқимиз ва жамиятимиз хурмат қилади. Бундай табиий йўл билан бойлик орттираётган ва бойлигини ўз халқи билан баҳам кўраётган замонавий бойлар қаторига жамиятимиздаги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликларидан фойдаланиб, иймон ва эътиқодини пуллаётганларни, порахўр шахсларни, яъни «сунъий бойларни» киритиш хато бўлади.

Саккизинчидан, фуқаролик жамиятининг қудратли иқтисодини барпо қилишда бойлар билан бирга ўрта мулқорлар синфини шакллантириш бош масалалардан биридир. Ривожланган мамлакатларда бу синф мамлакат аҳолисининг таҳминан 80 фоизини ўз ичига олса, бойлар ва камбағаллар 10 фойиздан — жами, 20 фоизни ташкил қилади. Бу синф фуқаролик жамиятининг фақат иқтисодий асосигина бўлмай, балки жамият ва давлат барқарорлигини таъминловчи катта ижтимоий кучdir. Жаҳон тажрибасидан маълумки, барча сайловларда қайси партия ва оқимлар шу ўрта синф қалбига йўл топса, улар манфаатини кўзлаб иш тутса ғалаба қилишларига ишонадилар. Бу синфга кичик ва ўта тадбиркорлар, ўқитувчилар, барча қишлоқ зиёлилари, соғлиқни сақлаш ходимлари, олимлари, хизматчилар ва бошқа соҳаларда хизмат қилаётган фуқаролар киради.

Тўққизинчидан, давлатчилик тарихида жамиятни бошқаришнинг бир қанча усувларини биламиз. Аммо қуйи бошқарув тизими сифатида — маҳаллаларни қўпгина давлат арбоблари ва сиёsatшунос олимлар фақат ўзбекларга хос миллий қадрият деб қарамасдан умуминсоний ва тсивилизатсияга хос қадриятлардан бири деб қарамокдалар.

Мустақиллигимиз туфайли маҳаллалар тажрибаси йиллар ўтиши билан янада сайқалланиб, замонлар талабига мослашиб бораверади.

Хуллас, Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, модернизация жараёнларини янада чукурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш йўли мураккаб ва сермашақкат бўлса-да, бу кишилик олами тараққиёти учун ғоят зарур бўлган ишлардан биридир. Зоро, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” ғояси “Келажаги буюк Ўзбекистон” ҳақидаги орзуларимизга айнан мос эканлигини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Президент асарлари:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёsat, мафкура. –Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли– Т.: Ўзбекистон, 1993.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. –Т., “Ўзбекистон”, 1995.
4. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1999.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. -Т.: “Ўзбекистон”, 2000,
6. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003.
7. Каримов И.А. Ўзбек ҳалқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13–жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2005.
8. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига

бағишланган қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

9. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби”. Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
10. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
11. “Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
12. “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир”. – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.
13. “Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маъruzаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.
14. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва

Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), “Халқ сўзи”, 2010 йил 13 ноябрь (№ 220)

2. Қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

- 2.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.-Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2010.
- 2.2. 1990 йил 20 июндаги Мустақиллик тўғрисидаги декларация. ЎзССР Олий Кенгаши Ахборотномаси. – 1990. - № 16. - 18-б.
- 2.3.“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни. “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”. - 2003 й., 9-10-сон.
- 2.4.“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг регламенти тўғрисида”ги Қонуни. - “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”, 2003 й., 9-10-сон.
- 2.5.“Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимиятини ташкил этишининг асосий принциплари тўғрисида”ги Қонуни. - “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”. 2003 йил 8-сон.
- 2.6.“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикаси қонунлари тўплами”. 2005 йил.
- 2.7.“Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси.-1994 йил, 5-сон.
- 2.8.Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), Ўзбекистон, 2010. -56 бет.

3. Махсус адабиётлар:

- 3.1.Тўлаганов А.Т. Давлат ҳокимиятининг вакиллик ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш. Ўқув дарслиги. – Т.: Тошкент

Давлат юридик институти, 2002.

- 3.2. Тожихонов У. ва бошқалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи. – Тошкент, 2001.
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига шарҳлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 й.
- 3.4. Ҳусанов О.Т. Мустақиллик ва маҳаллий ҳокимият. – Т.: “Шарқ”, 1996.
- 3.5. Қаюмов Р. Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий хуқуқи. – Т.: “Адолат”, 1998.
- 3.6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуисидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. - 280 бет.
- 3.7. Шарифхўжаев. М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. Т., “Шарқ”, 2003.

3.8.Х.К.Каршибоев. Битирув малакавий ишларни бажаришга доир услугубий курсатмалар. ГулДУ. 2003 йил.

4. Газета ва журналлардаги мақолалар:

- 4.2. Аббосхўжаев О. Ўзбекистонда парламент ислоҳотлари. – “Жамият ва бошқарув” журнали, 2004 йил, 1-сон.
- 4.3. Депутатлик халқ ишончи демакдир. – Ўзбекистон овози, 2004 йил, 16 ноябрь.
- 4.5. Эшматова Ф. Икки палатали парламент тизими, унинг принциплари ва моҳияти. – “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2004 йил 4-сон.
- 4.6. Ҳусанова М. Икки палатали парламент:депутатлар бирлашмалари. “Ҳаёт ва қонун” юридик журнали, 2005 йил, 1-сон.
- 4.7. Ҳусанов О. Ўзбекистонда икки палатали парламентга ўтиш зарурати. “Жамият ва бошқарув” журнали, 2004 йил, 3-сон.

15. . 4. Интернет ресурслари

16. www.пресс-сервисе.уз
17. www.глоссарий.ру.
18. www.уза.уз
19. www.дос.уз

ИЛОВАЛАР



Маҳалла демократия асоси.



**Кучли давлатдан – кучли
фукаролик жамияти сари**



**Демократия халқ тафаккури ва
жамоатчилиги асосидир.**

